

Меҳнат ярмаркаларида 9 та касб-хунар коллежи, 400 дан ортиқ корхона ва ташкилот, хусусий фирма ва фермер хўжаликлари ўзларидagi бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар. Меҳнат ярмаркаларига жалб этилган талабаларнинг 953 нафари иш билан таъминланди.



Ойбек 2011 йилнинг июль ойида Қўқон шаҳрида ўзини Азизжон деб таништирган кимсадан Муқимий номли Қўқон Давлат педагогика институтини жисмоний тарбия мутахассислиги бўйича тамомлагани ҳақидаги сохта дипломи 500 минг сўмга сотиб олади.



Mustaqillik huquq demakdir

Ўшқоқ



1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-йил 29-yanvar, №4 (941)

Қулай ва ишончли парвоз

Пойтахтимизда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил этилганлигининг 23 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Таъкиллаш жоизки, миллий авиакомпаниямиз йигирма уч йил аввал 28 январь куни Юртбошимизнинг фармонида асосан ташкил этилган эди.



шовқиннинг тўртинчи даражаси бўйича сертификатланган. Бу кечки пайтда парвозлар учун чекловлар мавжуд бўлган аэропортларга қўниш ва учишга имкон беради.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси мутахассисларининг таъкидлашича, кадрлар тайёрлаш тизимининг мунтазам такомиллаштирилишига компания фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Ўқитиш билан бир қаторда учувчилар, борт кузатувчилари, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мутахассисларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, "Урганч" аэропортида соатига 300 кишини ўтказиш қувватига эга иккита йўловчи терминалининг ишга туширилиши авиаташувлар тизимини янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, "Тошкент", "Бухоро", "Навоий", "Самарқанд" ва "Фарғона" аэропортларида ҳам янги йўловчи терминаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Соатига 1,3 мингдан зиёд йўловчини ўтказиш қувватига эга "Тошкент" аэропортида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва қулайликлар яратиш мақсадида учиб кетадиган йўловчилар

учун янги блок ва халқаро талабларга мос равишда жиҳозланган маҳаллий йўналишлар терминали ҳамда транзит зали фойдаланишга топширилди. Тез орада "Наманган" аэропортида янги учиш-қўниш полосаси фойдаланишга топширилиши кўтилмоқда. Бунинг самарасида ҳаво кемаларини чекловларсиз қабул қилиш имконияти юзга келади.

Миллий авиакомпания ўз фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бораётгани самарасида янги марралар забт этилмоқда. Хусусан, ўтган йили Сингапур ва Хабаровск шаҳрига янги йўналишлар очилди. Урумчи шаҳрига иккинчи қатнов йўлга қўйилди. Шунингдек, Амритсар ва Дехли шаҳарларига кундалик қатновлар икки баробар кўпайтирилди. Рига шаҳрига тўғридан-тўғри ва маҳаллий Бухоро — Фарғона қатнови амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз туристик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида жорий йилда европалик сайёҳлар учун маъқул бўладиган Франкфурт шаҳридан Урганчга янги қатновлар амалга оширилди. Шунингдек, Тошкент — Минск йўналишини очиб режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Сарҳисоб

Ҳаётимизда чуқур из қолдирган ўтган йилда ҳам мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ислохотлар изчил давом эттирилди. Прокуратура органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ижросини тўлақонли таъминлашга устувор аҳамият берилди.

Самарадорлик ошмоқда

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратура органлари томонидан 2014 йилда Бош прокурорнинг 2004 йил 11 майдаги 22-сонли буйруғи ва ҳайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳодимларнинг касб маҳоратларини ошириш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди.

Бўлим томонидан судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш, суд қарорларининг қонунийлигини апелляция, кассация ва назорат муддатларида ўрганиб бориш, ноқонуний суд қарорларига нисбатан протест келтириш самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни тўғри ташкил қилиш ва назоратни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Таҳлилий маълумотларга кўра, ўтган йилда судларда кўрилган фуқаролик ишлари сони 2013 йилга нисбатан бирмунча кўпайган. Жумладан, биринчи инстанция судлари томонидан жами 209 129 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, шундан 121 799 тасида ёки 58 фоизда прокурор иштироки таъминланган. Апелляция тартибида 1075 та, кассация тартибида 1555 та, назорат тартибида 274 та асосий суд қарорларига нисбатан прокурорлар томонидан протестлар келтирилган.

Суд қарорларига протест келтириш самарадорлиги апелляция инстанциясида 95 фоизни, кассация инстанциясида 97 фоизни ҳамда назорат инстанциясида 47 фоизни ташкил этиб, бу борада иш самарадорлиги ошишга эришилди. Энг асосийси, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилди. Жумладан, фуқаро С.нинг жавобгар А. ва бошқаларга нисбатан эғалик ҳуқуқини белгилаш, ҳоким қарорини бекор қилиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан чиқарилган суд қарорларидан норози бўлиб ёзган шикоятни кўриб чиқилган, Бош прокуратура томонидан фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2013 йил 18 июлдаги ахримиди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар исботланмаганлиги, моддий ҳуқуқ нормалари ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги сабабли уни бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун шу инстанция судига юбориш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига назорат тартибида протест келтирилди ва у қаноатлантирилди.

/Давоми 3-бетда/

Сайловга тайёргарлик қизгин

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарликнинг бориши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Унда Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури асосида сайловга тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилаётганини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз-

даги тўртта сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга иштирок этиш истагини билдирди ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тўпламини тақдим қилди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилигига мувофиқ, тақдим қилинган ҳужжатлар асосида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик

партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясида сайловда иштирок этиш учун изҳозат берди. Ҳозир сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур жараён 12 февралгача давом этади.

Брифингда журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, сайловчилар имзосини тўплаш тартиби ва жараёни, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилгани ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиялари асосида округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланганлиги тўғрисида журналистларга маълумот берилди.

Шунингдек, округ сайлов комиссиялари аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, обрў-эътиборли кишилардан иборат таркибда шакллантирилгани таъкидланди. Округ сайлов комиссиялари таркиби, манзили ва телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

Муҳим вазифалар муҳокама қилинди

Садоқат РЎЗМЕТОВА,

Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
вазифасини бажарувчи

"Гилам сотсанг қўшинингга сот, бир четиди ўзинг ўтирасан", дейди халқимиз. Бу бежиз эмас. Мазкур нақлдан кўриниб турибдики, ҳатто олади-сотди масалаларида ҳам меҳр-оқибатга, ишончга илҳомчи чакриқ бор. Пул қанчалик қадри бўлмасин, инсонийлик, ҳаёломлик ва мардликдан устун бўла олмайди. Буни кимдир тушунади, кимдир эса йўқ.

Уйнинг эгаси ким?

Фозил РАҲМОНОВ,

Шахрисабз туман прокурори ёрдамчиси

Шахрисабз шаҳридаги кўп қаватли уйлardan бирида яшаб келган Инобат Қурбонова кўпдан буён уйини ҳовли-жойга айлантиришни орзу қиларди. Инобат Қурбонова шундай ҳаёллар билан ҳовли олиш ҳақида турмуш ўртоғи К.Зиятовга маслаҳат солди. Эр-хотин гапни бир ерга қўйиб, бироз қарз олиб бўлса-да, "дом"ни ҳовлига айлантиришга аҳд қилишди.

2009 йилнинг январь ойларида Инобат Қурбонова турмуш ўртоғи билан шаҳардаги Янгибод кўчаси, 172-уй 1-хонадонга харидор бўлишди. Уй эгалари М.Гаипназаров ва унинг турмуш ўртоғи З.Раҳмоновлар билан савдолашиб, уйни 20 миллион сўмга сотиб олишга келишиди. Бироқ, ўша пайтда Инобат Қурбонованинг ёнида бунча пул йўқ эди. Шу сабабли уй эгаларига ҳозирча 5 миллион сўм беришларини, имконият йўқлиги сабабли қолган суммани бергунга қадар нотариус хузурида қарз шартномаси тузиб қўйишларини айтиб, уларни ишонтирди. Гарчи уй эгалари "насия"дан хавотирга тушган бўлишса-да, ҳужжатлар нотариал идорада расмийлаштирилганлигини уларни бироз тинчлантирди.

2009 йил 13 январь кuni тумандаги 3-сонли Давлат нотариал идорасида томонлар уй 5 миллион сўмга сотилганлиги тўғрисида олди-сотди шартномасини расмийлаштиришди. Бироз вақт ўтиб, М.Гаипназаров ва К.Зиятов нотариус Д.Меликованинг олдига қайтиб, 15 миллион сўмга қарз шартномаси тузиб беришини сўрашади. Нотариус қарз шартномасининг уйнинг нархига алоқаси бор ёки йўқлигини, М.Гаипназаровдан ҳақиқатан ҳам қарз берганлигини сўраганида, у тасдиқ ишорасида бош чайқайди. Шундан сўнг уй нархидан қолган 15 миллион сўмга қарз шартномаси расмийлаштирилди.

Орадан бироз вақт ўтиб, уйнинг пулидан қолган 15 миллион сўм Инобат Қурбонова ва турмуш ўртоғи К.Зиятовларнинг хотирасидан кўтарилди бошлайди. Уйнинг ҳақиқий эгалари З.Раҳмонов ва М.Гаипназаров пулининг қолганини сўраб, бир неча бор Инобат Қурбоновага учрашадилар. Аммо Инобат эрининг уйда йўқлигини айтиб, пулни бермаслик учун турли баҳоналарни рўқча қила бошлайди.

Пулдан умид уза бошлаган З.Раҳмонов ва М.Гаипназаров 2014 йилнинг апрель ойида нотариус Д.Меликованинг хузурига боришади ва қарз шартномасини ижрога қаратишни сўраб, мурожаат қилади. Нотариус масалага оидлик кириштириш мақсадида Инобат Қурбоновага кўнғирок қилиб, ундан нотариал идорага келишини сўрайди. И.Қурбонова эса келишдан бош тортади. Шундан сўнг З.Раҳмоновга шартноманинг ижрога қаратиш муддати ўтганлигини, бу масалада фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этишларини маслаҳат беради.

Инобат Қурбонова ишнинг бундай тус олганидан хавотирланиб, кўрққан олдидан мушт кўтарар, қабилида 24 май кuni М.Гаипназаров ва унинг турмуш ўртоғи З.Раҳмонов 3-сонли нотариал идора нотариуси Д.Меликова билан жиноий тил бириктириб, уйни қайтариб олиш ниятида эканлиги хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилади. Аризада Д.Меликова мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, ундан уйни беришни талаб қилаётганлигини ёзиб, асосиз далилларни қалаштириб кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасида шахсга қаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда тўхтаб қилиш уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган қўйилган. Қолаверса, халқимизда тўхтаб қаттиқ қораланади. Шунингдек, ушбу кодекснинг 237-моддасида ёлгон хабар бериш, айбон сўнвий далилларни вужудга келтирган ҳолда, қаразгўйлик ниятларида амалга оширилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жазима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатиб ўтилган.

Инобат Қурбонова инсоф ва одамийлик нуқтаи назаридан ўзига ишонч билдирган инсонларнинг ишончини суистеъмол қилишнинг натижаси яхшилик билан тугамаслигини жуда кеч англаб етди.

Жиноят ишлари бўйича Шахрисабз туман суди томонидан Инобат Қурбоновага энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил-у олти ой мuddатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида мустаҳкамлашга қаратилган изчи, тизимли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширимоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, айниқса, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2014 йил 28 август кuni маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан процессуал мажбурият чоралари тизимида уй қамоғи тарзида эҳтиёт чорасининг киритилиши муносабати билан амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу муносабат билан мазкур қонуннинг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Олий суд раиси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлари томонидан "Уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш тартибини белгилаш бўйича" қўшимча кўрсатма имзо-

ланиб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди. Хоразмда мазкур кўрсатма талабларини тушунтириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг ходимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳоқими, вилоят прокурори, адлия, ички ишлар, божхона ва давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари, жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари қатнашдилар.

Кун тартибидagi масала бўйича вилоят прокурори Қ.Тўйчиев қўшма кўрсатма талабини ўқиб эшиттириб, унинг мазмун-моҳияти бўйича тушунтиришлар бериб ўтди. Шунингдек, вилоятдаги жиноятчиликнинг аҳоли, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган профилактик тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб, тегишли кўрсатмалар берди.

Шу билан бирга, йиғилишда қўшма кўрсатмани амалга татиқ этиш ҳақидаги мазрузалар тингланди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан мазкур масала юзасида саволларга жавоблар берилди.

Фирибгарлик — нафс иши

Улуғбек ИСАНОВ,

Зарбдор туман прокуроратраси
терговчиси

Улуғ шоир ва файласуф Жалолиддин Румий инсон табиати ва интилишларини кўзатиб, уни талқин этиб, инсоннинг буюклиги баробарига, нуқсонлари — нафси, ҳирси оқибатида келиб чиққанган ёвузликларни таҳлил этиб, булардан қутулишнинг бирдан-бир йўли инсон ўз меҳнати билан ҳалол ва пок яшашини лозимлигини ўқтиради.

Дарҳақиқат, инсон ўз нафсининг қулига айландими, нафси уни турли-туман қинғир йўللарга бошлаши тайин. Шундан бўлмаганда, қирқ ёшдан ошган жинззахлик Иқбол Миралимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ўзининг ишончига кириб, унинг мулкини қўлга киритиш ва шу орқали меҳнатсиз бойлик орттиришни мақсад қилармиди? Ҳа, у шундай мақсадлар билан режалар тузган эди, лекин натижа у уйлагандек бўлмади...

Иқбол Миралимов 2013 йил июнь ойининг ўрталарида Зарбдор туманида яшовчи Рашидбек Муродов билан Жиззах шаҳридаги автомобилларга ёқилғи қўйиш шохбачаларининг бирида танишиб қолади. Сўхбат давомида Рашидбекнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқий нияти борлигини билган Иқбол бу ишда унга ёрдам бериши мумкинлигини айтиди. Бу ишни эса Арнасой туманидаги танишлар-

ри ёрдамида ҳал этиши, яъни у ерда жойлашган мудофаага кўмаклашувчи "Ватанларвар" ташкилотидида ташкил этилган ҳайдовчилик курсларига Рашидбек ўқишга бормаса ҳам, унга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бериши мумкинлигини айтиб, уни ишонтиради.

Шундай қилиб, Иқбол Рашидбекнинг ишончини суистеъмол қилиб, фирибгарлик йўли билан унинг 1 млн. 200 минг сўм пулини олади ва ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Орадан икки ойча вақт ўтиб, Рашидбек Иқболга кўнғирок қилади ва ваъда қилинган ҳайдовчилик гувоҳномасини сўрайди. Иқбол жоҳ эса ўзи унга телефон қилмоқчи бўлиб турганини айтиб, Рашидбекни тинчлантиради. Телефон орқали бўлиб ўтган ушбу музокарадан сўнг икки кун ўтиб, Иқбол Рашидбекка кўнғирок қилиб, ваъда қилинган ҳайдовчилик гувоҳномаси тай-

ёр эканлигини ва бошқа фуқароларга ҳам шу қаби ҳайдовчилик гувоҳномасидан олиб бериши мумкинлигини айтиди. Унинг алдовларига лаққа тушган Рашидбек уқаси Хуршидбекка ҳам ҳайдовчилик гувоҳномаси кераклигини билдиргач, улар бу масалада келишиб олиш учун учрашадилар. Фирибгар Рашидбекнинг уқаси Хуршидбек учун берган 1 млн. 200 минг сўм пулини ҳам шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

"Қилмиш — қидирмиш", деганларидек, Иқбол Миралимов ўз ҳаракатлари билан фирибгарлик жиноятини содир этганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фош этилди. Тезкор чора-тадбирлар натижасида ака-укалар Рашидбек ва Хуршидбекларга етказилган 2 млн. 400 минг сўмлик моддий зарар Иқбол томонидан тўлиқ қопланганига эришилди. Шунингдек, И.Миралимовнинг икrorлиги ҳисобга олинган ҳолда қонунда белгиланган тартибда унинг жаъобгарлик масаласи ҳал этилди.

Шу ерда ҳар қандай кишини бир савол ўйлантириши табиий. Иқболнинг ҳаракатлари-ку фирибгарлик — нафсининг иши, бироқ ака-укалар Рашидбек ва Хуршидбекларнинг хатти-ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин? Албатта, бу ҳам ҳуқуққа мос ҳаракатлар эмас, балки кейинги жиноятларга етакловчи инсон табиатидаги нуқсонлар десак, хато бўлмайди.

Самарадорлик ошмоқда

/Давоми.

Бошланғичи 1-бетда/

Ўтган йилда етказилган моддий зарарларни ундириш масаласи ҳам прокуратура органларининг диққат марказида бўлди. Чунинчи, прокуратура органлари томонидан 69 млрд. 643 млн. сўмни ундириш юзасидан 9043 та даъво аризаси кўзга тилиб, шундан 8228 таси (63 млрд. 421 млн. сўмлик) судларда мазмунан кўриб чиқилди. Суд қарорлари асосида 44 млрд. 124 млн. сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланган.

Фуқароларнинг мурожаатлари сони йил сайин ортаёганлиги уларнинг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Айтиш мумкинки, бугунги фуқаро ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишига бепарқ эмас ва бу масалада тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқидан эмин-эркин фойдаланмоқда. Прокуратура ходимлари эса асосий эътиборни мурожаатларнинг ўзи муддатда, қонуний ҳал қилинишига қаратмоқдалар.

Фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 2004 йил 10 декабрдаги 37-сонли буйруғи ва тегишли ҳайъат мажлиси қарорлари асосида ташкил этилмоқда.

2014 йилга доир рақамларга эътибор берадиган бўлсак, бўлимга фуқаролардан жами 5367 та ариза ва шикоят келиб тушган. Бу мурожаатлар сони 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 940 тага кўп демасдир. Мурожаатларнинг 1064 таси ёки 19,8 фоизи бўлим ходимлари томонидан ҳал қилиниб, 20 таси асосли бўлганлиги сабабли қаноатлангандир ва шикоятлар асосида ноқонуний суд қарорларига назорат тартибидида 59 та протест келтирилиб, йил якунига қадар уларнинг 51 таси қаноатлангандир. Таҳлилларга кўра, уй-жой, моддий ва маънавий зарарларни ун-

дириш, мерос масалалари, ер низоси бўйича ва бошқа низолар юзасидан қабул қилинган суд қарорларидан норози бўлиб ёзилган ариза ва шикоятлар сони бирмунча ортган.

Бўлим ходимлари томонидан ариза ва шикоятлар кўриб чиқилгач, уларнинг муаллифларига ўз вақтида тўлиқ ва асослангандир жавоблар берилди. Айрим ариза муаллифлари бўлим ходимлари томонидан қабул қилиниб, уларга тегишли тушунтиришлар берилди. Муаллифлар иштирокида мурожаатларда баён этилган вазиятни текшириш, ўта мураккаб ишларни бўлимда муҳофаза қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, назоратга олиниб қуйи прокуратура органларига юборилган 1136 та аризадан 119 таси қаноатлангандир, 69 та протест келтирилди, 24 та даъво аризаси киритилди ва бевосита Бош прокуратура ташаббуси билан 15 та жиноят иши кўзга тилибди.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари томонидан асосий суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш юзасидан 571 та протест келтирилди. Бевосита текшириш давомидида суд хатоларини тузатиш учун келтирилган 174 та протестнинг 2 тасини апелляция, 147 тасини кассация ва 25 тасини назорат тартибидида келтирилган протестлар ташкил этилди.

Шунингдек, 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан болалар тарбияси билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳамда судларда бу тоифадаги ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ҳам ўрганилди.

Биринчи инстанция бўйича судлар томонидан 2014 йилда қўрилган 168 377 та ишдан 14 173 таси ёки 8,4 фоизи воёга етмаганлар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ ишлардир. Бу турдаги ишлар кўрилишида прокурор иштироки 8100 тани ёки 57,2 фоизни ташкил этган. Бунда суд ажримларининг қонунийлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, даввогар О. жавобгар К.ни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат этган. Тарафлар суд мажлисида келмаганликлари сабабли фуқаролик ишлари



бўйича Учтепа туманларо судининг 2013 йил 23 январдаги ажрими билан даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган. Мазкур фуқаролик иши ҳужжатларидан аён бўлишича, суд томонидан ишни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида жавобгарни тегишли тартибда хабардор қилиш чоралари қўрилмаган.

Суднинг мазкур ажримига нисбатан Тошкент шаҳар прокурори томонидан 2014 йил 14 апрелда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатига назорат тартибидида протест келтирилди ҳамда протест қаноатлангандир.

Таҳлилларга кўра, бу даврада воёга етмаганлар билан боғлиқ қўрилган ишлар бўйича апелляция тартибидида 40 та, кассация тартибидида 56 та, назорат тартибидида 3 та ноқонуний суд қарорларида йўл қўйилган хатолар бартараф этилган.

Бўлим ходимлари томонидан ариза-шикоятлар ва фуқаролик ишларини ўрганиш натижаларига кўра 86 та кўрсатма ва топшириқлар юборилди. Кўрсатмалар натижаси асосида 29 та протест келтирилди, 8 та даъво аризаси киритилди, 1 та жиноят иши кўзга тилиб, 1 таси бўйича тергов олиб тегишли ҳаракатлари олиб борилмоқда, яна 1 та

ариза бўйича 56 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди.

Жумладан, фуқаро Д.нинг аризаси вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилган. Фуқаро У.нинг низоли жойни олиш ҳақидаги даъво бўйича ҳудуддаги 56 нафар фуқаронинг уй-жойини буздириш ва уларни кўчириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан чиқарилган асосий қарор билан қилинган.

Кўрсатмадан кейин олиб борилган кўшимча текшириш жараёнида фуқаро У.га ҳокимлик захира фондидан ер майдони ажратиб берилиб, фуқаро Д.нинг аризасини ўрганиш жараёнида низоли жой ҳудуддаги 56 нафар фуқаронинг уй-жойини бузиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилди ва фуқароларнинг уй-жойлари сақлаб қолинди.

Ўтган давр мобайнида соҳа бўйича 33 та ҳолатда жиноят ишлари кўзга тилиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилиши таъминланди. Бош прокуратура ташаббуси билан эса 15 та жиноят иши кўзга тилибди. Жумладан, фуқаро Т.нинг аризаси қонуний ҳал этилмаётгани ва унга тегишли бўлган уй ҳужжатлари айрим мансабдор шахслар томонидан қалбақлаштирил-

Ботир НОРОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

ганлиги ва уларга нисбатан чора кўрилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати Бош прокуратура томонидан назоратга олиниб, ариза қонуний ҳал қилиш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Аниқланишича, фуқаро Т. собиқ турмуш ўртоғи Х. билан 1995-2004 йилларда бирга яшаган даврида қўрилган уй-жойнинг ҳўжалик-техник паспортини қалбақлаштирган. У 2006 йилнинг март ойида ўзига таниш бўлган туман кадастр техник рўйхатига олиш бюросида ишлаган фуқаро билан жиноий тил бириктириб, уй ҳужжатини қалбақлаштириб, уни фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этган.

Юқоридаги ҳолатларга кўра, 2014 йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши кўзга тилиб, туман ИИБ томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят иши бўйича қонуний тўхтама келиниши таъминланди.

Бўлим ҳамда қуйи прокуратуралар ходимларининг касб маҳоратини ошириш бўйича белгиланган иш режаси асосида 27 та тадбир амалга оширилди. Хар ойда бўлим ходимлари томонидан долзарб масалалар юзасидан маърузалар ташкил этилди. Соҳавий йўналиш юзасидан раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича туман-шаҳар прокурорлари ва уларнинг ёрдамчилари, терговчилар иштирокида Олий ўқув курслари ҳамда ТДЮУ билан ҳамкорликда 35 марта ўқув машғулотлари ўтказилди. Бундан ташқари, бўлим ходимлари қонунчилик тарғиботида ҳам фаол иштирок этдилар.

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўрилган манфаатларини ҳимоя қилиш прокурорлар зиммасига юклатилган масъулиятли вазифалардан саналади. "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу масалага эътибор янада кучайтирилади. Зеро, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадларидан биридир.

Тергов жараёни такомиллашмоқда

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш мақсадида Бош прокурорнинг 2014 йил 26 декабрь куни "Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 120-сонли буйруғи эълон қилинган муҳим қадам

бўлди. Мазкур буйруқда терговни такомиллаштиришга қаратилган илғор омиллар жорий этилиши билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларига етказилган зарарларни тергов жараёнида ундириш каби омиллар асосий вазифалар қаторида эътироф этилди.

Ўтган 2014 йилдаги ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, вилоят прокуратураси органлари томонидан 925 та жиноят ишининг терговни тамомланган. Шундан 903 та жиноят иши 1748 нафар шахсларга нисбатан айблов ҳулосаси, амнистия тўғрисидаги қарор, тиббий йўсиндаги мажбурув чоралари ёки ярашув тўғрисидаги қарорлар

билан тамомланиб, судларга юборилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2012 йилда 10,3 млрд. сўм, 2013 йилда 13,3 млрд. сўмлик зарар ундирилган бўлса, биргина ўтган 2014 йилда 41,9 млрд. сўмлик зарар аниқланиб, 40,1 млрд. сўми ёки 95,8 фоизининг тергов давомида ундирилишига эришилди.

Юқорида қайд этилган ижобий кўрсаткичлар қўрилаётган чора-тадбирлар самараси, албатта. Бош прокурорнинг кўрсатмаларига биноан вилоят прокуратурасида терговчиларнинг билим савияси ва касб маҳоратини ошириш борасида мунтазам равишда тегишли мутахассислар ва малакали

Истам РАШИДОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

тергов ходимлар иштирокида семинарийиғилишлар ўтказиб келинмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, жиноятларни фож этиш ва тезкор-қидирув фаолиятини ташкил қилиш устидан назоратни таъминлаш, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ҳаракатлари хар тамонлама тўлиқ ва ҳолисона бўлишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоясини таъминлаш асосий бурчимиз ва вазифамиздир.



Фарзандлар камоли

2014 йил "Соғлом бола йили" номи билан, амалга оширилган кенг кўламли эзгу ишлар билан тарих зарварақларида қолди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида 2014 йилнинг 6 февралда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган. Нафақат ёшларнинг иқтидори ва истеъдодини юзага чиқаришга, балки уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида туманда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, ушбу масалаларга дахлдор фармон ва қарорлар тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш, уларнинг муаммо ва тақлифларини ўрганиш мақсадида фаол мулоқотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ташкил этиш бўйича дастлаб туман ҳокимлиги биносига касб-хунар коллежларининг битирувчилари ҳамда ҳеч қачонда ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар билан мулоқот ўтказилди.

Ушбу лойиҳа асосида "На-

най" қишлоқ фуқаролар йиғинининг барча қишлоқ ва маҳаллаларидаги ёшлар орасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар юзасидан тақлиф ҳамда камчиликларни ўрганиш мақсадида сўровномалар ўтказилди. Сўровномаларга асосан иштирокчилар иш ўринларининг етарли эмаслиги, қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаларини тубдан яхшилаш зарурлигини таъкидлаш билан биргаликда, қишлоқ маҳаллаларида спорт майдонлари, замонавий маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, чорвачилик, парранда ва асарларчиликни ривожлантириш зарурлигини ҳам билдириб, тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиш учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни, бу мақсадда кредит олиш тартиблари, лизинг йўналишлари ҳақида маълумот беришни сўрашган.

Сўровномалар ўтказиш жараёнида аниқланган ҳолатлар, тақлиф ва мулоҳазалар тегишли раҳбар ва мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди ҳамда бажариш учун тегишли режа ва дастурлар тузилиб, ижроси назоратга олинди. Жумладан, "Дўстлик" маҳалласидаги ярқисиз ҳолга келиб қолган спорт ўйингоҳини таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Шунингдек, "Нанай" қишлоғи марказида замонавий лойиҳа асосида спорт мактаби бунёд этилдики, у келажақ эгаларининг баркамоллиги йўлида хизмат қилиши шубҳасиз. Маданият ва спорт ишлари бўлими тизимидаги маассасаларда 26 та тўғарақ ва 5 та бадий жамоа ташкил этилди. Шу жумладан, "Нанай" маданият

ва аҳоли дам олиш марказида рақс, рубоб, ашула, фортепиано тўғарақлари ташкил этилиб, ушбу тўғарақларга 200 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар жалб этилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда қишлоқдаги аввал хусусийлаштирилиб, ҳозирда фаолият юритмаётган объектлар қайта хатловдан ўтказилди. Мазкур объектларда ишчи аёлларни иш билан таъминлаш учун хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилди. Шулардан "Тоғ гўзали" ва "Нанай" МЧЖларда касаначилик билан шуғулланадиган қиз-жувонлар учун тикувчилик цехларини, "Кўкёр" маҳалласидаги маиший хизмат уйи билангина эса "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Дастурнинг ҳар бир бўлими ва бандлари бўйича тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг масъулияти янада оширилди. Чунончи, "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши томонидан 82 та бошланғич ташкилот тузилиб, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 18 минг нафардан зиёд ёшларни ҳаракат аъзолигига, 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 11 мингдан ортиқ ўғил-қиз "Камалак" болаларининг ташкилотига бириктирилди. Туман миқёсида ёшлар иштирокида жами 180дан ортиқ тадбир ўтказилди. Бу тадбирлар давра сўхбатлари, учрашувлар, бахс-мунозаралар, ўқув семинарлари, спорт

Улугбек НОМОНОВ,
Янгиқўрғон туман прокурори

мусобақалари, кўрик-танловлар ва бошқа турли лойиҳалардан иборат бўлди. Шу билан биргаликда, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда 35 марта турли рейдлар ўтказилди ва тумандаги эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари билан 2 марта водий шаҳарларида саёхат ташкил этилиб, 10 дан ортиқ долзарб мавзудаги фильмлар намойиши бўлиб ўтди.

Ёшларнинг ҳуқуқий жараёнлардаги фаоллигини ошириш мақсадида "Сиз кунини биласизми?" танлови, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусидаги тарғибот лойиҳаси, "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловлари ва ўқув семинарлари, "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали, "Ҳоким ва ёшлар" лойиҳаси, спорт мусобақалари ва ёш иқтидор эгаларининг кўргазмалари ташкил этилди. Меҳнат ярмаркаларида 9 та касб-хунар коллежи, 400 дан ортиқ корхона ва ташкилот, хусусий фирма ва фермер хўжаликлари ўзларидаги бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар. Меҳнат ярмаркаларида жалб этилган 1448 нафар талабанинг 953 нафари иш билан таъминланди. Қолганларга ишга жойлаштириш учун ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Тижорат банклари томонидан 11 нафар таълим муассасалари талабаларига тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида жами 41 млн. сўм миқдорига кредит

маблағлари ажратилди. Шунингдек, "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати аъзоларидан 780 нафардан ортиги қурилиш объектларида мавсумий иш билан таъминланди.

Иқтидорли фарзандларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ютуқларини ҳам чакки эмас. Ёшларимизнинг 2 нафари "Ниҳол" мукофоти совриндори ҳисобланади. 8 нафари фан олимпиадалари, 20 нафари турли спорт мусобақалари голиблари бўлса, 5 нафар ёш вакилимиз "Юрт келажаги" ва "Камалак" юлдузлари" кўрик-танловидея виллоят ҳамда республика босқичи совринларини қўлга киритдилар. Ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш мақсадида 30 дан ортиқ спорт мусобақалари, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш йўлида "Биз — ёшлар ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қаршимиз" мавзусида 150 дан ортиқ оммавий тадбирлар ўтказилди. Уларга 3 мингдан зиёд ёшлар жалб этилди.

"Обод юрт фарзандлари" шиори остидаги ёшлар фестивалида 60 дан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинларининг ёшлари иштирок этдилар. Фестиваллар ранг-баранг ва қизиқарли тус олиб, унда 9 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Бугунги ёш авлоднинг спортсиз тасаввур этиб бўлмайдиган. Янгиқўрғон агросервис ва транспорт касб-хунар коллежида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқувчиларни ҳарбий руҳида тарбиялашга қаратилган "Ёш чегарачи", Янгиқўрғон транспорт ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақаси, "Камолот" кубоғи" мусобақалари ёш авлод келажаги йўлида хизмат қилади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва улар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишига, шунингдек, жорий йилда ҳам уларни давом эттиришга ҳаракат қилинган. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, "Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахтсозлиги, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради".

Республикамиз ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳамда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида СВОЖДЛКК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган 2014 йилда бошқарма ходимларининг асосий эътибори тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, шунинг баробарида янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, валюта, хуфийёна иқтисодий ва ноқонуний тарзда товар-моддий бойликларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, одам савдосига тааллуқли ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ишларига қаратилди.

Қонунчиликни таъминлаш йўлида

Текширишлар давомида яширин тарзда ишлаётган, аммо сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган цехлар ҳам аниқланиб, улардан 5 тасининг фаолияти қонунийлаштирилиб, янги 12 та иш ўринлари яратилишига қўмақ берилди. Шу билан бир қаторда, 43 та ҳолатда сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқараётган цехлар фаолиятига чек қўйилиб, 115 млн. сўмдан ортиқ маҳсулотлар олиб қўйилди.

Фуқаролар манфаатларига қўпол тарзда путур етказиш, мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупция ва суистеъмолчиликларни бартараф этиш тадбирлари натижасида таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, банк ва бошқа соҳалардаги порахўрлик жинояти билан боғлиқ 9 та ҳолат фож этилди.

Валютага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бундай фаолиятга чек қўйиш бўйича ўтказилган тежор тадбирлар натижасида 82 та ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 93739 АҚШ доллари, 262618 Россия рубли, 3 млн. 751 минг Қозоғистон тенгеси ва 323 млн. Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олинди. Жумладан, департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва Тўртқўл туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тежор тадбир натижасида валюта қимматликларини ноқонуний равишда олиш ва сотиш билан шуғулланиб юрган Тўртқўл туманида яшовчи М.Юсупов ва Х.Юсуповнинг қилмишлари фож этилди. Улардан 14 минг АҚШ доллари, 83 минг Қозоғистон тенгеси, 20 мингдан ортиқ Россия руб-

Жанобой ШАНИЯЗОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Қорақалпоғистон Республикаси
бошқармаси бошлиғи вазифасини
бажарувчи

ли ва 4 млн.дан зиёд Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, қонунларга амал қилинган жойда доимо ривожланиш ва юксалиш бўлади. Шу боис, қонун устуворлиги ва иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш, қонунбузилиши ҳолатларига қарши мурасосиз кураш олиб бориш орқали юрт равнақиға ҳисса қўиш ҳар доим фаолиятимизнинг асосий мақсади бўлиб қолаверади.

Мулкни давлат даромдадига ўтказиш ва ҳисобга олиш хусусиятлари

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда юрт равнақига хизмат қиладиган жуда кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Бундан кўзланган мақсад эса, мамлакатда қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир.

Акрам ЭРКАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Жумладан, юртимизда фойдаланишда бўлган ҳар қандай турдаги мол-мулк, энг аввало, хавфсиз бўлиши ва ундан фойдаланиш фуқароларга ҳамда жамият манфаатларига путур етказмаслиги зарур. Бу борадаги меъёрлар бузилган тақдирда, тегишли қонунларга мувофиқ бундай мол-мулкни тегишли тартибда давлат даромдадига ўтказиш учун олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек уни йўқ қилиб ташлаш таомили қўлланилади. Хусусан, автоматотранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни давлат даромдадига ўтказиш ва ҳисобга олиш жараёни Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги "Давлат даромдадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинади.

Автоматотранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни олиб қўйиш ваколатли орган мансабдор шахси томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан баённома тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- тузилган вақти ва жойи;
- баённомани тузган шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
- мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортига оид маълумотлар ва шу қабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно;
- мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса;
- ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни;
- мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;
- ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;
- олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги ва бошқалар);
- олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақлиниши таъминланиши, шу жумладан, ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни

муҳраб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса. Ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисидаги баённома тўғри тузилганлиги, шунингдек, унда ушбу бандда назарда тутилган барча маълумотлар кўрсатилиши учун жавобгар бўлади.

Автоматотранспорт воситалари ва кўчмас мулк олиб қўйилгандан кейин ваколатли орган мансабдор шахси томонидан бир сутка мuddатда уни сақлаш учун жойлаштириш масаласи ҳал қилинади. Автоматотранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни сақлаш учун масъул бўлган шахслар (ташкilotлар) уларни сақлаш шартларига риоя этишга ва тегишли шарт-шароитларни таъминлашга мажбурдирлар ҳамда унинг бузилиши, шикастланиши, ўзлаштирилиши, камомати, яширилиши ва йўқ қилиниши учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

Сақлаш учун қабул қилиш-топшириш тўғрисида ваколатли орган масъул мансабдор шахсининг ҳамда мол-мулкни сақлашга қабул қилган шахсининг имзолари билан тасдиқланган уч нусхадаги мол-мулк рўйхати билан далолатнома расмийлаштирилади.

Автоматотранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни олиб қўйган орган (мансабдор шахс) баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни жалб этади. Солиқ, божхона органлари ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни баҳолашда молия органлари вакиллари мажбурий тартибда қатнашади. Уларни баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш кунинда амал қилган нархлар бўйича ички бозорда талаб ва таклиф конъюнктурасининг мавжуд маълумотлари асосида амалга оширилади. Божхона қонун ҳужжатлари бузилганлиги муносабати билан олиб қўйилган автоматотранспорт воситасини баҳолашда унинг қиймати божхона қийматидан келиб чиқиб, бироқ "эркин муомала учун чиқариш" божхона режимида божхона чегараси орқали ўтганда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларидан кам бўлмаган қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Баҳоловчи ташкилот баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида белгиланган қонунчилик шаклида уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса бир кун мобайнида ҳисобот тақдим этади. Мол-мулкни баҳолаш ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан амалга оширилганда у томонидан кўрсатилган мuddатда мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади. Агар баҳоланадиган

мол-мулкнинг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари ва ундан ортиқ миқдорга тенг бўлса, ушбу мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси олиб қўйилган мол-мулкнинг ҳар бир турини расмга (имкони бўлса, видео суратга) олади ва уларни мол-мулк олиб қўйилиши тўғрисидаги баённомага тирхаб қўяди.

Эксперт, баҳоловчи ташкилот, шунингдек, бошқа мутахассислар ўзлари берган ҳулосанинг ишончилиги ва ҳолислиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ моддий ва бошқача тарзда жавобгар бўладилар.

Олиб қўйиш санасида энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараварига тенг ва ундан ортиқ қийматдаги мол-мулкни олиб қўйган орган мол-мулк олининг ҳудуддаги тегишли туман (шаҳар) прокуратурига дарҳол махсус билдиришнома буюриши шарт. Ҳар бир бундай ҳолат бўйича прокуратура органлари узил-кесил қарор қабул қилингунча ва мол-мулк давлат даромдадига ўтказилгунча назорат юритадилар.

Суд ижросини суднинг ёки уни берган бошқа ваколатли органнинг ижро ҳужжатини бажариш учун қабул қилиб олиши ва қонун ҳужжатларида мувофиқ унга ижро ҳужжати келиб тушган кундан бошлаб учун қонун ҳужжати ижро иши қўзғаш тўғрисидаги масалани ҳал этиши керак. Ижро ҳужжати қабул қилингандан кейин суд ижросини ижро ҳужжатининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади. Ижро ҳужжати қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, шу жумладан ижро ҳужжати илова қилинадиган материаллар мавжуд бўлмаганда ёки улар белгиланган талабларга мунофиқ бўлмаганда, суд ижросини ўз қарори билан ижро ҳужжатини қўйилган талабларни бартараф этиш учун қийтади.

Ижро иши қўзғатилгандан кейин суд ижросини ўзидан сақланаётган мол-мулк рўйхатини тузади, ушбу мол-мулк шу пайтдан бошлаб унинг итиёрига ўтади. Мол-мулк рўйхати тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома суд ижросини, мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси, шунингдек, мол-мулкнинг сақлиниши учун жавобгар бўлган шахс томонидан имзоланади.

Рўйхатга олиш давомида мол-мулкни ўзлаштириш, унинг камомати, уни яшириш, йўқ қилиш, унга шикаст етказиш ҳолатлари, мол-мулк номи, миқдори, сифати, қий-

мат кўрсаткичларида, шунингдек олиб қўйиш тўғрисидаги далолатномада, экспертнинг ҳулосасида, баҳолаш тўғрисидаги ҳулосасида, мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги далолатномада ва сақлаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномасида кўрсатилгандан фарқлар аниқланган тақдирда суд ижросини бу ҳақда гувоҳлар иштирокида уч нусхада далолатнома тузади ва кейинги кундан кечикмай ижро ҳужжати нусхасини, далолатноманинг бир нусхасини илова қилиб, аниқланган камчиликларни кўрсатган ҳолда судга ёки уни берган ваколатли органга юборади. Бир вақтининг ўзида суд ижросини суд ижросини жойлашган жой бўйича тегишли туман (шаҳар)нинг прокуратурига айбдор шахсларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўриш учун далолатноманинг иккинчи нусхасини илова қилган ҳолда махсус билдиришнома юборади.

Суд ижросини ижро ҳужжати бажарилгунча қадар мол-мулк сақланадиган жойни ўзгартиришга ҳақлидир. Бунда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади.

Автоматотранспорт воситалари ва кўчмас мулк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ихтисослаштирилган очиқ қимоди савдо-торговчиликда сотилади. Сотиладиган мол-мулк ижро ишини юритувчи суд ижросилари томонидан товарга илова қилинадиган юк хати билан биргаликда савдо ташкилотларига берилади. Ижро ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун мол-мулк унинг миқдоридан, ҳажмидан ва тез сотилиши имкониятларидан келиб чиқиб бир вақтининг ўзида сотиш учун бир нечта савдо ташкилотларига берилиши мумкин.

Савдо ташкилоти томонидан қабул қилинган мол-мулкка (нариқ пазайитрилмайди) қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган давлат даромдадига ўтказилган заргарлик буюмларидан ташқари) талаб бўлмаса ва 30 кун мобайнида белгиланган нархда сотилмаса, савдо ташкилоти бу ҳақда суд ижросини ёзма равишда ҳабардор қилади, шунингдек суд ижросини, молия ва солиқ органлари вакиллари иштирокида унинг қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда арзонлаштирилади. Айни бир вақтда мол-мулк сотилганлиги учун савдо ташкилотига тегишли бўлган савдо чегирмаси суммаси қайта ҳисоб-китоб қилинади. Арзонлаштириш тўғрисида махсус шакл бўйича далолатнома тузилади, унинг нусхаси молия, солиқ органларига ва ушбу мулкни олиб қўйган ваколатли органларга берилади.

Автоматотранспорт воситаларини олиб қўйишда ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан у мажбурий тартибда қўриқдан ўтказилади ҳамда олиб қўйиш тўғрисидаги баённомада унинг маълумотлари, ҳолати ва бутлиги акс эттирилади.

Олиб қўйилган автоматотранспорт воситалари ваколатли органларнинг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг ҳамда уларни сақлашнинг тегишли шароитларини таъминловчи бошқа ташкилотларнинг махсус ажратилган жойларида (сақлаш жойлари, омборлар, жарима майдончаларида) сақланади. Бунда суд ижросини автоматотранспорт воситаларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишини чеклашни таъминлаш шарт (муҳрлаш).

Автоматотранспорт воситалари уларнинг сақлинишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган ихтисослаштирилган савдо ташкилотларига сақлаш учун берилиши мумкин.

Автоматотранспорт воситасини олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисида баённома тузилган вақтдан бошлаб уч кун мuddатда автоматотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказувчи тегишли нотариал органларга ва ички ишлар органларига билдиришнома жўнатади.

Олиб қўйилган автоматотранспорт воситасининг техник ҳолатини қўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг мутахассислари томонидан худудий молия органлари ҳамда автономбиларга техника хизмати кўрсатишга ихтисослашган корхоналари вакиллари мажбурий тартибда иштирокида амалга оширилади.

Кўчмас мулкнинг ҳолатини кўздан кечириш худудий молия органнинг вакили мажбурий тартибда қатнашган ҳолда "Ергеодекадастр" давлат қўмитасининг худудий органи мутахассиси иштирокида амалга оширилади.

Автоматотранспорт воситасини ва кўчмас мулкни кўздан кечириш натижалари бўйича кўздан кечириш далолатномаси тузилади. Далолатнома автоматотранспорт воситасини ва кўчмас мулкни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси ҳамда кўздан кечиришда қатнашган шахслар томонидан имзоланади. Давлат даромдадига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин суд ижросини белгиланган тартибда автоматотранспорт воситасини ва кўчмас мулкни қабул қилиш-топширишни амалга оширади.

Суд ижросини давлат даромдадига ўтказилган автоматотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни ваколатли органдан қабул қилиб олишда барча ҳужжатлар, шу жумладан, улар кўздан кечирилганлиги ва баҳоланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Рухсатномасиз иш — келтирар ташвиш

Бугунги кунда рақамли телевидениега улашиб, ойига белгиланган маблагни тўлаган истеъмолчи истаган телеканални ўз уйида кўриш имкониятига эга. Дарҳақиқат, техника тараққиёти ва ахборот асрида ҳамма шарт-шароитлар муҳайё, фақат ундан тўғри фойдалана билиш керак. Яқинда Самарқанд шаҳрида аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи "SOGD TELEKOM" хусусий корхонасида текшириш ўтказилди. Буни қарангки, корхона директори Кнапп Александр анча вақтдан буюн фаолият юритиб келган-у, хизмати кўрсатиши учун рухсатнома олишни "унутган" экан.

Тегишли рухсатномасиз фаолият юритаётган хусусий корхонанинг ишлари кундан-кунга ривожлана бошлаган. Аҳоли томонидан рақамли телевидениега уланувчилар сони ҳам ортаверган. А.Кнапп эса фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги Али Кушчи кўчасида, Кимёгарлар кўргонининг 29-дахасида, Ҳарбийлар шаҳарчасида, Ватанпарвар маҳалласида, Фарҳод кўргонида ҳам филиаллар ташкил қилади. Шунингдек, Самарқанд шаҳридан ташқарида, яъни Нуробод шаҳарчасида, Жиззах шаҳрининг Заргарлик маҳалласида,

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида ва Бекобод шаҳрида ҳам филиаллар очиб, фаолиятини янада кенгайтиради.

Аниқлаштиришга, 2009-2013 йиллар давомида корхонага аҳоли томонидан 935 млн. 270 минг сўмлик нақд пул тушуми тушган бўлиб, бу пуллар назорат-касса машинасида ўтказилган ва банкка топширилмаган.

Бу ҳам етмагандек, у солиқ тўловларидан қочиб чораларини излай бошлайди. Шу мақсадда А.Кнапп 2009-2010 йилларда 21 млн. 675 минг сўм ягона солиқ тўловини даромадни қасддан камайтириб кўрсатиш ҳисобига тўламайди.

Ислом ШЕРОВ,
СВОЖЖДЛКК департаментининг
Самарқанд вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

Шунингдек, 2011-2013 йиллар давомида белгиланган тартибда солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, корхонанинг ҳақиқий ишчилари сонини ҳисоботларда камайтириб кўрсатиб, 419 млн. 923 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайди.

Даромадлар ортавергач, А.Кнапп тушган пуллардан корхона учун 36 млн. 760 минг сўмлик техник ускуна ва жиҳозлар, жумладан, 5 млн. 954 минг сўмлик «УАЗ» русумли, 6 млн. 500 минг сўмлик «ЛЭК-45277» русумли, 8 млн. 850 минг сўмлик «ГАЗ» русумли автомашиналарни сотиб олади.

Суд томонидан корхона директори А.Кнапп қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, корхонага қарашли мол-мулклар давлат эгаллигига ўтказилди.

Айримлар хатти-ҳаракатлари қонунга хилофлигини билмасдан жиноий қилмишни содир этишади. Лекин шундайлар ҳам борки, улар била туриб жиноятга қўл уришади. Ойбек Шеров ана шундай шахслардан бўлиб чиқди.



Чаласавод «педагог»

Ҳамидуллохон НАСИРДИНОВ,
СВОЖЖДЛКК департаментининг
Сўх туман бўлими бошлиғи

Терговолди текширувида Сўх туманининг Ровон шаҳарчаси, «Бобоқолон» маҳалласида яшовчи ушбу фуқаронинг дипломи сохта бўлиб чиқди. У 2011 йилнинг июль ойида Кўкон шаҳрида ўзини Азизжон деб таништирган кимсadan Муқимий номли Кўкон Давлат педагогика институтини жисмоний тарбия мутахассислиги бўйича тамомлагани ҳақидаги сохта дипломи 500 минг сўмга сотиб олади. Институт томонидан тақдим этилган маълумотномага кўра эса, 2011 йилда Ойбек Абдусатторович Шеров номига берилган диплом рўйхатда йўқлиги маълум бўлди.

"Сохта ўқитувчи" тап тортмай халқ таълими муассасалари фаолиятини методик ташминлаш ва ташкил этиш Сўх туман бўлимига ишга жойлашиб олиб, сохта дипломи билан 2012 йил март ойидан 2013 йилнинг апрель ойигача бемалол ишлаган. 2013 йилнинг апрель ойидан текширув кунига қадар эса тумандаги умумтаълим мактабларидан бирида жисмоний тарбия ўқитувчиси вазифасида фаолият юритиб келган.

Сохта дипломдан фойдаланиб, таълим соҳасига ишга жойлашиб олган О.Шеровга суд қилмишига мувофиқ жазо тайинлади.

Ноқонуний фаолиятга чек қўйилди

Тимур ХУСАИНОВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖЖДЛКК
департаменти бўлим бошлиғи

Қонунга хилоф равишда алкоғоли маҳсулотларни муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига имконият яратувчи криминал омиллари бартараф этиш бу турдаги қонунбузилиш ҳолатларининг қисқаришида асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Алкоғол маҳсулотларининг ноқонуний савдоси, айниқса, яширин ишлаб чиқаришнинг хомашё манбаларини фош этиш бўйича СВОЖЖДЛКК департаменти ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда мўмай даромад топиш илинжида бўлган фуқаролар Азиз Аҳадов, Қундузали Авазов ва Аб-

дужавлон Қориев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Наманган тумани Орзу маҳалла фуқаролар йиғинидаги биноларнинг бирида аширин цех ташкил этишгани маълум бўлди. Улар қалбаки акциз марказлардан фойдаланиб, ноқонуний равишда қўлбола ароқ ва вино маҳсулотларини ишлаб чиқариб сотаётган эканлар.

Тезкор тадбирда қонунбузарлардан жами 23 млн. сўмдан зиёд 4 турдаги 2249 дон қўлбола алкоғол маҳсулотлари ва бошқа товарлар олиб қўйилди. Ушбу қўлбола алкоғоли маҳсулотлар истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Эгри йўлни танлаган ҳуқуқбузарлар қонун олдида жавоб беришди.

Ҳалолликнинг кўчаси кенг

Иқтисодиётни изчи ва барқарор ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқийс. Шу бос, мамлакатимизнинг барча ҳузулларида ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ тадбиркорлар орасида бу эътиборни сунистеъмол қилаётганлар ҳам учрамоқда.

Жавоир Қосимов "Навоий Улғуржи Бизнес" масъуляти чекланган жамиятининг раҳбари сифатида фаолиятини бошлади. Афсуски, бу кимса давлат манфаатларидан ўзиникини устун қўйди. Республикадаги қонун ва қонуности ҳужжатларини қўпол равишда бузиб, 2013 йилнинг ноябрдан 2014 йил январь ойигача маҳсулотлар сотуvidан тушган 4 млрд.

14 млн. 900 минг сўм нақд пул маблағларини банк муассасасига топширмаганиги фош бўлди.

Бундан ташқари, Ж.Қосимов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, МЧЖнинг қатъий ҳисобида турган, 2011 йилнинг январидан 2013 йилнинг апрелигача бўлган даврдаги молиявий фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни нобуд қилганлиги аниқланди.

Суд томонидан Ж.Қосимов

Ақбар ҲАМИДОВ,
СВОЖЖДЛКК департаментининг
Навоий шаҳар бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва унга 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш — амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналиши ҳисобланади. Zero, тадбиркорлик ривож юртимиз ва иқтисодиётимиз тараққиётининг гаровидир. Шу бос ҳам, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида юртимизда эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар мантқиқий изчилликда босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.



Бир кўнғирок сабаб...

Шундай бўлса-да, айрим тадбиркорларнинг ноқонуний даромад орттириши мақсад қилиб, жиноят кўчасига қириб қолаётганликлари ачинарли ҳол. Жумладан, пойтахтимиздаги "Нотўқима текс" масъуляти чекланган жамияти раҳбари Зафаржон Каримов давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига нафсининг ноғарасига ўйнаб, охир-оқибат суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. У ўзи раҳбарлик қилаётган МЧЖга хомашё олиш учун ўтган йилнинг март ойида "Тошкент тола" масъуляти чекланган жамиятидан 52 тоннадан ортқ пахта толаси харид қилиб, уни "Стандарттекс" МЧЖга қайта ишлаб, ип йиғириш учун олиб боради. Албатта, ушбу жараёнда З.Каримовнинг саъй-ҳаракатлари хайрли эди. Чунки, "Стандарттекс" МЧЖ пахта толасини ип қилиб бериши, З.Каримов эса буларни ўзининг корхонасида ишлаб чиқаришга сарфлаш учун олиб кетиши керак эди. Бирок, З.Каримовнинг ушбу ҳаракатларини бир кўнғирок умуман салбий томонга ўзгартириб юборди. Яъни кўнғирок эгаси "Нотўқима текс" МЧЖ

Шаҳридин ЖАББОРОВ,
СВОЖЖДЛКК департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси
бўлим катта суриштирувчиси

раҳбарига 10 тонна калава ип кераклигини айтиб, пули ҳам нақд эканлигини қистириб ўтади. Ўзаро келишувга кўра, 10 тонна калава ип 21 минг 500 АҚШ долларига баҳоланади.

Пулнинг дарагини эшитган З.Каримов дарҳол "Стандарттекс" МЧЖ билан боғланиб, тайёр бўлган 10 тонна калава ипни олиб кетишини айтади. Келишилган кун З.Каримов маҳсулотни машинага юклаб, ўша кўнғирок эгасини кутади. Харидор ҳам зудлик билан айтилган жойга етиб келиб, пулни З.Каримовга топшираётган вақтда СВОЖЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ушланди. Шу тарика ноқонуний савдога чек қўйилди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Суд ҳукми билан З.Каримов бир йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баровари миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

Ҳақиқий ҳаёт мактаби

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикасини ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобили хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 52-модда

Шухрат ЗОИРОВ,
Бухоро ҳарбий прокурори



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этиганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги"да таъкидлаганларидек, армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Бундай хизматнинг жозибadorлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминланганлиги билан боғлиқ эмас, албатта. Бу авваломбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатдан ҳам мардлик ва мустаҳкам ирода, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат хисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки энг нуфузли касб ва шарафли ишлардан ҳисобланади.

Чақирув мавсумида Қуроли Кучлар сафини соғлом ва

ҳар томонлама етук шахсий таркиб билан бутлаш мақсадида Бухоро вилоятида амалга оширилаётган қатор ижобий чора-тадбирлар ҳам давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар нечоғли ҳаётлигини яна бир бор исботлайди.

2002 йил 12 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра, тинчлик даврида оддий аскар ва сержантлар таркиби лавозимларида мuddатли ҳарбий хизматга, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервдаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра

Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар қақрилади.

Маълумки, мuddатли ҳарбий хизматга юбориладиган қақрилувчилар ҳарбий хизматни календарь ҳисобида ўн икки ой, олий маълумотли қақрилувчилар эса тўққиз ой ўтади.

2015 йилги қақриув олди ўтказилган тадбирлар бошланганлиги муносабати билан қақрилувчилар ва уларнинг ота-оналарига маълумот бериш борасида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилиб, вилоят телевидениеси ва матбуоти орқали бир неча бор чиқишлар қилинди.

Muddатли ҳарбий хизматни ўташга лойиқ бўлган қақрилувчиларни танлаб олиш ва бу борадаги ишларни сифатли ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест марказининг вилоятимиздаги вакили билан биргаликда, режа асосида худуддаги шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимларида 2014 йил октябрь ойидан 2015 йилнинг январь ойигача қақрилувчиларнинг билим даражасини аниқлаш юзасидан тест

синовлари ўтказилди.

Шунингдек, армиямиз сафини соғлом ва жисмоний жиҳатдан чиниққан ҳарбий хизматчилар билан шакллантириш учун жойларда мудофаа ишлари бўлими вакиллари билан ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан ажратилган жисмоний тарбия ўқитувчилари жалб этилган ҳолда 2014 йил декабрь ва 2015 йил январь ойларида қақрилувчиларнинг жисмоний даражаларини аниқлаш синовлари амалга оширилди.

Навбатдаги қақриувда қақрилувчиларни дастлабки саралаб олиш ҳамда тиббий комиссиялар томонидан соғликлари даражасини аниқлаш ишлари куз ойларида замонавий ва барча тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган йиғув ва қақриув пунктларида олий ва биринчи тоифали шифокор мутахассислар томонидан тиббий кўриклардан ўтказилди.

Бу борада қақриув ишларини ташкиллаштириш учун барча имкониятлар яратилган. Жумладан, жойлардаги қақриув ва йиғув пунктлари биноси ҳамда хоналари замонавий услубда қурилган. Айниқса, қақриувнинг асосий босқичи киш мавсумида ўткази-

лиши инobatта олиниб, алоҳида иситиш тизимлари билан жиҳозланган. Барча турдаги мебел ва бошқа зарур анжомлар билан тўлиқ таъминланиб, ҳордиқ чиқариш учун шароитлар яратилган.

Бундан ташқари, "Умумий ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунга асосан, Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақриуви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуроли Кучлар резервга бўшатиш тўғрисида"ги Қарори ва унга биноан қабул қилинган Бухоро вилояти ҳокимининг 2014 йил 31 декабрдаги қарорига мувофиқ, вилоят, шаҳар ва туманларда навбатдаги қақриувни ўтказиш бўйича комиссия аъзолари таркиби ташкилланган ва навбатдаги қақриув ишлари бошлаб юборилган.

Чақирувнинг ошқоралиги ва холисона ўтказилиши, қақриув комиссиялари фаолияти устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида Давлат тест маркази мутахассислари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла", "Нуроний" ва "Хотинкилар кўмитаси" каби жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилинган.

Муносабат

Фарзандлар ҳимоясиз эмас

Мамлакатимиз аҳолисининг салкам 60 фоизини 18 ёшга тўлмаганлар, аниқроғи, вояга етмаганлар ташкил этар экан. Демак, эртанги кун ворисларининг тақдири, баркамол ўсиб-улғайиши давлат ёки нодавлат, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органларининггина иши бўлиб қолмаслигини бугунги кун тақозо этиб турибди. Вояга етмаганларнинг ҳимояси доирасида олиб борилаётган ислохотлар, улар манфаатига хизмат қилувчи қарор ва фармонлар, кўплаб қонун ҳужжатлари ҳам эзгу мақсад рўёбига қаратилган.

"Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида рутган ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир". Президентимиз Ислам Каримовнинг бу гаплари нечоғли ҳақиқат эканини барчамиз англаб етишимиз табиий. Шу маънода, фарзандларимизнинг эртанги кун, илм олиши, меҳнатга жалб этилиши, энг муҳими, оилада хотиржам, фаровон камол топиши ҳақида доимо қайғурмоғимиз шарт.

Бирок, баланд болалар ҳақ-ҳуқуқларининг оила аъзонасидаёқ бузилишидан кўнглинг чўқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар", дейилган. Аммо оилавий можаролар, лоқайдлик ва ҳаётга энгил қараш оқибатида мазкур шартнинг бузилиш ҳолатларига ҳам дуч келинмоқда. Натихада вояга етмаган болаларни қонун йўли билан ҳимоя қилиш чораларини кўришга тўғри келади.

Ширмоноӣ Фофурованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаролик ишлари бўйича судга даъво этишича, у Азамат Жабборов билан атиги етти ой бирга яшаган. Муросалари келишмай, ажрашишга қарор қилишганида эса аёл ҳомиладор бўлган.

Ота-онанинг уйда кўзи ёриган Ш.Фофурова ўглини бир ярим ёшгача ўзи боқиб, тарбиялаган. Кейинроқ эса соғлиги ёмонлашиб, ўзаро келишув асосида болани маълум вақт қараб туриши учун эрига беради. Аёл тузалиб оёққа тургач эса, собиқ турмуш ўртоғи болани қайтариб бериш у ёқда турсин, онасига кўрсатишдан ҳам бош тортади. Бу ҳолдан қаттиқ эзилган она фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилади. Суд ишни тўла-тўқис ўрганиб, қонун доирасида, адолат тамойилларига асосланган ҳолда болани онаси тарбиясига олиб бериш ҳақида қарор чиқарди. Аммо бу қарордан энди жавобгар, яъни боланинг отаси Азамат Жабборов норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига кассация шикоятти киритди.

"Фарзандимга нафақа тўлаб турганим ҳолда собиқ турмуш ўртоғим уларни бока олмаётганини айтиб, ўз ихтиёри билан менга ташлаб кетган, — дейди у шикоятчида. — Бу ҳақда МФЙ фаллари ва бошқа гувоҳлар иштирокида келишув битими тuzилган. Унга кўра, собиқ хотиним ҳар икки ойда фарзандларини келиб кўриб кетишга розилиги, уларни қайтариб олмаслиги, соғлиги ёмонлиги ва бола тарбиясига ярамаслигини айтиб, ўз қўли билан тилхатини илова қилган. Аммо ту-



Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

манлараро суди буни инobatта олмайди".

Дарҳақиқат, кассация шикоятти ўрганилар экан, А.Жабборовнинг сўзлари ўз исботини топди. Бироқ, масаланинг яна бир томони борки, унга кўра юқоридаги ваялар билан асло келишиб бўлмайди. Яъни гарчи Ш.Фофурова туман васийлик ва ҳомийлик комиссиясига фарзандларини вояга етказиб тарбиялаш учун собиқ эрига бергани ҳақидаги аризани нотариал тартибда расмийлаштириб берган бўлса-да, орадан икки ой ўтиб уларни кўришга келганида жавобгар болани кўрсатмагани сабабли юқоридаги аризасини шу ойдаёқ бекор қилдирган. Унга кўра, келишув шартларини биринчи бўлиб бузган А.Жабборовнинг ҳаракати низоинг келиб чиқишига сабаб бўлибгина қолмай, келишув битимининг бекор қилинишига ҳам олиб келган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республика-

си Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорида суд бошқа-бошқа турайдиган ота-оналар ўртасида бўлган, уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозимлиги қайд қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳоли устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларида қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшени ва ота-онадан қайси бирига кўнгли қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларини, болани тарбиялаш ва унинг қамоли учун шарт-шароитлар (ота-онанинг маълумот тури, иш тартиби, моддий ҳаётда оилавий аҳоли ва бошқалар) яратиш имкониятини эътиборга олади.

Суд 10 ёшга тўлган болада ота-онанинг қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олади.

Ш.Фофурованинг фарзанди ҳам ҳали 10 ёшга тўлмаган, шунингдек, туман васийлик ва ҳомийлик органининг ҳулосасида ҳам келажақда унинг қамоли учун она тарбияси муҳим эканини инobatта олиб, бу ҳусусдаги суд қарори ўзгартириш қолдирилган.

Қонунлар бор экан, вояга етмаган болалар ҳимояси ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди.

Суд мажлисида элик ёшдан ўтган Мухторжон Мамаджанов айбига қисман иқрор бўлади.

— 2010 йилдан Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг Фарғона вилоят бўлимида бош инспектор бўлиб ишлаб келганман. А.Қодирий кўчасидаги деҳқон бозори Фарғона шаҳри "Марказий деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятининг филиали бўлиб ҳисобланади. А.Қодирий кўчасидаги хонадонда яшаганим туфайли ушбу бозорча фаолиятини назорат қилгани кўпинча ўзим борганман. Бироқ, доимий назорат юритмаганман. Бозорча ҳудудда ўн-ўн беш нафар фуқаро ҳар хил буюмлар савдоси билан шугулланаётганликлари устидан чиқиб, уларга бу ерда фақат озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш мумкинлиги, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, тургун шохбачаларда савдо қилиш мумкинлигини тўшунтирганман. Уларни уч-тўрт мартаба огоҳлантирганман...

Билиб босди тиканни

Музаффар РАҲМОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Судланувчининг фақат "огоҳлантиришлар" билан чекланганининг сабаби — 2011 йилдан бошлаб ҳар ойда савдогарлар бош инспекторга ўн минг сўмдан пул йиғиб бериб туришган. 2012 йилда ойлик "йиғим"лар миқдори ўн беш минг сўмгача ошган.

— Савдогар З.Ҳамидова мени бозорча ҳудудига чақирди. Фуқаролар йиғиб беришди, дея қўлимга пул тутқазди. Тамағирлик қилмаганман, ўзлари пул беришган. З.Ҳамидовадан уч мартаба 100-150 минг сўмдан жами 450 минг сўмча пул олганман. Савдогарларнинг фаолиятини текширмаганман. Фақат 2012 йил ёз кунларидан бирида бир мартаба киска мuddатли текшириш ўтказганман. Озода исмли аёл ноқонуний савдо билан шугуллангани учун буюмлари мусодара қилинган...

Бу — ойлик "йиғим" бериб туришни бас қилган савдогарлар учун огоҳлантириш эди. З.Ҳамидова рўйхатдан ўтиб ишлаб бошлагач, пул йиғиб бермай кўйганди. Савдогарлар оёғи куйган товукдай питирлаб қолишди. Уларнинг вақили Р.Жамолова бош инспектор билан телефонда болганди. У "деҳқон бозорида парфюмерия, кийим-кечак сотиш мумкин эмас", дея гапни киска қилди. Савдогарлар шаҳар ҳокимлигига боришди. "Ёймачилар"ни рўйхатдан ўтказма олмайдими, тургун савдо жойларинг бўлса, марҳамат", деган жавобни олишди. Шундан сўнг Р.Жамоловага 15 минг сўмдан пул йиғиб беришди. У "рўйхатдан ўтишга ёрдам қилинг", дея судланувчига 150 минг сўм берди. М.Мамаджанов "бўпти, гапшамиз", деб кетди.

— Судланувчига ҳар ойда икки юз минг сўмгача йиғиб бериб турганмиз, — деди гувоҳ Р.Жамолова кўрсатмасини давом эттириб. — Жами олти юз-саккиз юз минг сўм пул берганмиз.

Гувоҳ Ш.Мўминов Р.Жамолованинг кўрсатмасини тасдиқлади. Парфюмерия савдоси билан шугуллангани, судланувчига дастлаб З.Ҳамидова орқали ойига ўн минг сўмдан, етти-саккиз ойда жами 70-80 минг сўм, 2012 йилда Р.Жамолова орқали ойига 15 минг сўмдан, жами 120-160 минг сўм, 2013 йилнинг март-июнь ойларида деҳқон бозори мудири А.Исромонов орқали ойига йигирма минг сўмдан жами 80 минг сўм пул берганини, бунинг эвазига М.Мамаджанов ноқонуний савдо қилишларига йўл қўйиб келаётган текширувчилар ҳақида огоҳлантириб турганини таъкидлади.


— 2011 йил март ойидан "Марказий деҳқон бозори"нинг А.Қодирий кўчасидаги филиалида мудар бўлиб ишлайман, — деди гувоҳ А.Исромонов. — Бозор ҳудудига 14-15 нафар фуқаро ноқонуний савдо билан шугулланган. 2013 йил баҳор ойлари улар тўрт мартаба йиғиб берган жами 970 минг сўм пулларни М.Мамаджановга берганман. У телефон қилиб, пул ҳақида сўраганида, қимдан олиб кетиши мумкинлигини айтиб турганман. Йиғилган пулларни бир мартаба қасбобхона эгаси, бир мартаба пайнетда ишлайдиган аёл орқали, икки мартаба шахсан ўзим берганман...

Иштакиси бозора карнай бўлиб борган бош инспектордан безиллаб қолган савдогарлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилишди. Уларнинг аризалари асосида тадбир ўтказилиб, М.Мамаджановга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судга юборилди.

Суд М.Мамаджановнинг пул нима учун берилганини билмагани, фуқароларнинг ўзлари пул беришни тақлиф қилишгани, тамағирлик қилмаганини жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган асосиз ваъдалар сифатида баҳолади. Унинг 2011-2013 йиллар мобайнида ноқонуний савдо билан шугулланган фуқаролардан жами 4 млн. 950 минг сўм пул йиғиб олгани гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишдаги бошқа далиллар билан ҳам тасдиқланди.

М.Мамаджанов 3 йил мuddатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда 6 йил мuddатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукми қилинди. Шунингдек, ундан 4 млн. 950 минг сўм давлат эгаллигига ундирилиши лозим деб топилди.

Босқинчилик ортидаги қотиллик



Аслибек ЮСУФБЕКОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта
терговчиси

Халқимизда "Оамнинг олasi ичида", деган гап бор. Бу бежиз айтилмагани кўпчилигинизга маълум. Чунки, баъзи тоифа инсонлар борки, улар бинойидек, ҳамма қатори кўринса, аслида жиноятта мойил, инсонийлик фазилатларини ҳам унутган шахслар бўлиб чиқади. Бундайларнинг юриш-туриши, қилмиши, ҳаёт тарзини эшитиб, ҳайрон қоласан киши. Қўйида баён этиллаган воқеа тафсилоти билан танишганингизда бунга ўзингиз амин бўласиз.

1992 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Ҳамид Исроилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) англи пул топшиш мақсадида укаси Ҳаким Исроилов ва жияни Ином Эришов билан жиноий режа тузди. Маъмур режага биноан улар Ҳамиднинг таниши Омон Раҳматовнинг орқасидан кузата бошлашди. Унинг ҳар доим бир манзилга таниш қизини кузатиб қўйиш учун келишини билиб, ўша ерда уни кута бошлашди. Кутилганидек, кўп ўтмай О.Раҳматовнинг машинаси кўринди. У таниш қизи билан хайрлашгандан сўнг, унга Х.Исроилов телефон қилиб, қаерда эканлигини сўради. Омон манзилни айтиши билан Х.Исроилов ўзи ҳам шу атрофда эканлигини айтиб, улар тезда қўришди.

— Қирбайдаги танишимдан 650 минг олиб келиш керак, — гап бошлади Ҳамид.

— Канақа пул? — машинанинг рулига осилганча сўради Омон.

— Қарзи бор. Вақтим йўқ, ўзинг келақолгин, деяпти.

Шу зайл Қўрай томон йўлга чиқашди.

Йўловчилар манзилига етиб келганда Ҳамид орқа ўриндиқда ўтирган жияни Иномга ишора қилди. Ином тузилган режага биноан, камарни Омоннинг бўйига ташлаб, бўга бошлади. Ака-укалар ҳам унинг оёқ-қўлларини маҳкам ушлаб, ура бошлашди. Уларни енга олмаган Омон кўп ўтмай воқеа жойида жон таслим қилди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган кимсалар жасада тош боғлаб, шу ердан оқиб ўтувчи Салор каналига ташлаб юборишди.

Шундай қилиб, О.Раҳматовга тегишли "Spark" русумли автомобилга, "Nokia-3100" русумли уяли телефон аппара-

ти ҳамда 110 минг сўм пул босқинчилик йўли билан қўлга киритилади.

Жиноятчилар эртаси кунни О.Раҳматовга таниш қизга тегишли ўта муҳим ҳужжатларни автомашинадан топиб олиб, ёқиб юборадилар.

Кўп ўтмай бир инсоннинг умрига зомин бўлган Ҳамид ва Ҳаким Исроилов ҳамда Ином Эришовнинг жиноий қилмиши фош этилди. Одил суд томонидан уларга 18 йилдан 20 йилгача бўлган мuddатларга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Одатда бирор жиноят ҳақида гап кетганда, унинг тафсилотларига эътибор қаратамиз-у, келиб чиқиш сабаблари, оқибати, энг муҳими, жиноятчи вояга етган муҳитга, оилада берилган тарбиядаги оқсоқлик, қолаверса, унга нисбатан ён-атрофда уларнинг эътиборсизлиги назаримиздан четда қолади. Аслида жиноий хатти-ҳаракатларни ёритишдан асосий мақсад, бу каби иллатларга қарши биргаликда кураш олиб бориш, юртдошларимизни доимо огоҳлик ва ҳушёрликка чақириб, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътиборли бўлишдан иборатдир.

Меҳмонхона олдидаги жанжал

Анвар УРМАНОВ,

Бош прокуратура бошқарма АМИБ терговчиси

Муқаддам жамоат тартибига қарши жиноятларни содир қилгани учун судланиб, бундан тегишли хулоса чиқармаган Солиқ Акрамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) афсуски безорилигини қўймади. У Қашқадарёдан Тошкентга келиб, Зангиота тумани "Эшонгузар" ҚФЙнинг Тошкент катта ҳалқа йўли кўчаси бўйида жойлашган кафелардан бирининг ёрдамчи рўхалик хонасини ижарага олиб, тегишли рўйхатдан ўтмасдан, телевизор солаш устaxonасини ташкил қилди. Устaxonа С.Акрамов, жияни ва икки таниши учун ҳам иш жойи, ҳам "квартира" вазифасини бажарарди.

2014 йилнинг 23 февралда Солиқ устaxonада норасмий равишда уста ва қоровул бўлиб ишловчи Азамат Тўраев билан йўл бўйида жойлашган ошхоналардан бирида қиттай-қиттай қилиб олишди. Қайфлари тарақ ҳолда оёқлари чалқашиб, устaxonадан унча узоқ бўлмаган "Карвон сарой" меҳмонхонаси олдига келганларида, Замира ва Сурайё исмли қизларни учратиб қолишди. Қизлар билан танишиб, уларга тунаб қолиш учун жой зарурлигини билдириш, ниятлари бузилди. Улар билан ишқий муносабатга киришиш мақсадида меҳмонхонада ҳеч қандай ҳужжатларсиз тунаб қолишларига шароит яратиб бермоқчи бўлишди.

Шу пайт уларнинг ёнига Чилонзор тумани бандликка кўмаклашиш марказининг бир марталик иш билан таъминлаш бюросида қоровуллик қиладиган Жамшид Абдуллаев қариндоши Элмурод Рашидов билан келиб қолади. Маълум бўлишча, Сурайё Жамшидга кўнгироқ қилиб, дугонаси билан меҳмонхона олдида келганлигини, тунаб қолиш учун жой топиб беришни илтимос қилган экан. Хуллас, Элмурод четроқда қолади, Жамшид эса Сурайёнинг олдида қолади.

Қизнинг илтимоси билан келган Жамшид Солиққа худди "оша тушган пашада" бўлиб кўринади. Шу боис, ҳеч бир савабсиз жанжал чиқариб, дарҳол жияни ва икки танишини чақиради. Зумда қаёқдандир "мадад кучи" пайдо бўлади ва улар Жамшидни ўртага олиб, дўппослай кетишади. Қариндошининг калтак-

ланаётганини кўрган Элмурод ва ортларидан етиб келган акаси Музроб Рашидов ёрдамга ошиқшади. Бироқ, устaxonада фойдаланиладиган пичоқлар, болга ва тошлар билан қуролланган безориларга бас кела олишмайди. Аксинча, Солиқ томонидан пичоқланиб, қочишга мажбур бўлишади. Солиқ эса пичоқ кўтарганча уларнинг ортидан қувади. Тошкент катта ҳалқа йўлининг серкандовлиги ака-ука Рашидовларга қўл келиб, улар Солиқнинг таъқибидан қутулиб қолишади.

Аламзада бўлиб ортига қайтган Солиқ бор аламини Жамшиддан олади. Олган тан жароҳатлари туфайли ҳолсизланиб қолган жабрланувчини уриб-тепиб, хуморидан чиққан бўлади.

Бу пайтда бир амаллаб бюрога етиб келган Элмурод худдан кетади. Акаси уни касалхона олиб бориш мақсадида йўл четига чиққанида Жамшид ҳам етиб келади. Икковлашиб Элмуродни касалхонага олиб боришади. Ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли ака-ука Рашидовларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Маъмур жиноятни содир қилган Солиқ Абдуллаев эса қилмишига яраша жазосини олди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди унга нисбатан 12 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



Халқимизга хос хусусиятлардан бири бу тоғага отадек ҳурматда бўлишдир. Истаймизми-йўқми, улар қаршида бош эгамиз Танбехларини кўнгилга олаймиз. Ўз навбатида тоғлар ҳам опа ёки сингилнинг фарзандаларини ўз болаларидек азиз кўрадилар. Шунинг учун ҳам асрлар оша тоға-жиян муносабатлари ўз қийматини йўқотмай келади. Мушкул вазиятда қолганимизда отадан сўнг тоғага мурожаат қиламиз. Улардан тўғри йўл сўраймиз. Отамизга айта олмаган сирларимизни ҳам баъзан тоғаларга тўкиб солаемиз.

Тўғри, баъзида ўтқинчи бойликни деб ўзаро низога борган, баъзан хотимаси аянчли тугаган оқибатсиз тоға-жиянлар ўртадайдан жанжаллари ҳам кузатганимиз. Бирок, тоға-жиян муносабатларидаги илиқлик, меҳрга ташналик кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Шундай экан, қалбимизда ардоқлаб келаётган, авлоддан-авлодга ўтаётган бу туйғунинг ҳаммаиш учун қиймати баланд. Хўш, тоғалар шундай олиҳиммат инсон сифатида эъзозланар экан, бунда жиянларнинг оқибати қандай бўлиши керак? Эшик очиб бағрига олган, туз-насиба берган, кези келганда отадан зиёд ғамхўрлик кўрсатадиган тоғалар ҳаққини қандай адо этиш керак?

Шахрисабз туманидаги 36-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шохжаҳон Тоштеммировнинг ота-онаси тақдир тақозоси билан ажрашиб кетишгач, у тоғаси Сироҳиддин Қурбоновнинг уйдан паноҳ топди. Табиийки, Сироҳиддин опасини воёга етмаган фарзандини қаровсиз қолдирмади, бағрига олди. Опаси ишлаш учун Россия Федерациясига кетганди. Сироҳиддин ҳам тирикчилик юзасидан Россияга бориб ишлаб келар, топган пулининг бир қисмини рўзгорга сарфлаб, қолганини машина олиш ниятида йигиб юрарди. Шохжаҳон баъзида тоғасининг пойфазал қутисига пул қўяётганига кўзи тушар, аммо уни қаерга яширишини билмасди. Бир сафар момоси Сироҳиддиннинг ётоқхонасидаги сандикдан унинг қурткасини олиб бераётганда, тоғаси пул соладиган қутини қўриб қолди.

Шохжаҳоннинг ўртоқлари "ўтириш" қиладиган бўлишди. У тоғасидан базм учун пул сўрамоқчи эди, аммо у Тошкентга кетган. Шохжаҳон ўйлаб ўтирмай, тоғасининг ётоқхонасига кирди ва сандик ёнига келди. Бирок сандик қулф

Тошкентга саёҳат

ёхуд ўғригина жиян саргузаштлари



Насим КАРИМОВ,
Яккабоғ туман прокурори

экан. Шохжаҳон пичоқ ва отвёртка ёрдамида қулфни бозвди. Сандикда жиян тасаввур қилганидан ҳам кўпроқ пул бор эди. Биров келиб қолишидан чўчиб, апил-тапил 44 минг сўм ва 1000 Россия рублини олиб, сандикни яна аввалгидек қулфлади-да, ташқарига чиқди. Ўртоқларига базм пулини бериб, қолганига ўзига керакли нарсаларни харид қилиш учун бозорга йўл олди. 20 минг сўмга соат сотиб олди. Сироҳиддин Қурбонов Тошкентдан қайтганида эса жиян бироз хавотирга тушди. Бирок тоғанинг ҳеч нарсадан шубҳаланмаганини уни хотирага қилди. Дарҳақиқат, Сироҳиддин жияннинг ўғирлик қилишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

2013 йил. Декабрь ойининг сўнги кунлари. Ҳамма Янги йил ташвиши билан банд. Айниқса, ўқув муассасаларида Янги йилга ҳозирлик айна авжга чиққан пайт. Шохжаҳон ҳам синфдошлари қатори бўйрамга тайёргарлик кўра бошлади. Пул солласи энди уни хавотирга солмасди.

Янги йил баъзи учун синфдошлар пул йиға бошлашди. Базм баҳона бўлиб, Шохжаҳон 2013 йил 30 декабрь куни тоғасининг миллий валютада 4 млн. 406 минг 580 сўмга тенг бўлган 2000 АҚШ доллари миқдордаги пулини ўғирлаб чиқди. Ўтириш пулини бергач, Аслиддин исми ўртоғи билан туман марказига йўл олди. Шу куни икки ошна роса шаҳар айланшди. Аслиддин ўртоғининг тийқиқсиз хотамтойлигиндан аввалига ҳавфсиради. Ундан бунча пулни қаердан олганини сўраганида, Шохжаҳон ойиси Россиядан жўнатганлигини айтиб, уни тинчлантирди. Шу куни Шохжаҳон ўмарган пулдан 100 АҚШ доллари ва 100 минг сўмга "Galaxy S3" русумли телефон сотиб олди. Бирок унинг бу қилмишидан уйдагиларнинг ҳамон хабари йўқ эди.

Янги йилнинг биринчи

куни, яъни 2014 йилнинг 1 январида Шохжаҳон Шахрисабз шаҳридаги марказий савдо дўконига келиб, 200 АҚШ доллари "SONY" русумли телефон аппаратини сотиб олди. Аммо ҳали чўнтагига анчагина пул бор эди. Агар пулларни тоғаси қўриб қолса, оқибати яшиллик билан тугамаслигини англаб, 2 январь куни саёҳат қилиб келиш учун пойтахтга йўл олди. Албатта, унинг пойтахтга ёлғиз кетиши уйдагиларни хавотирга соларди. Шу сабабли Шохжаҳон ўзига Аслиддинни ҳамроҳ қилди. Аслиддин рад қилганди, бориб-келиш харажати уни тўлашини айтиб, уни кўндирди. Бирок бегона машинада кетишса, ҳайдовчида шубҳа уйғониши мумкин. Шохжаҳон бунинг ҳам йўлини топди. Бир сафар ўртоқлари билан "Шахрисабз-Миракс" йўналиши бўйича катнаб, кира қилди турадиган Шерзод Мўминовнинг машинасига минганди. Унга кўнғирок қилиб, Тошкентга олиб боришини илтимос қилди. Шерзод унга ёқилги олиб берса, олиб боришини билдирди. Шохжаҳон учун бу имконият эди. Пойтахтда уларни амакисининг ўғли Мақсуд қутиб олди. Мақсуд икки ўзининг пойтахтга нега келганлиги билан қизиқди. Шохжаҳон шунчаки саёҳат қилиш учун деб жавоб берди.

Эртаси куни Шохжаҳон ўртоғи билан "Абу Сахий" бозорига борди. Бозордан ўзига кийим-бош олгач, ҳамроҳлари билан кўнғилхушлик қилиш учун дискотекага борди. Пойтахтга саёҳат Шохжаҳонга жуда ёққанди. Жиян 5 январь куни уйга қайтди. Уйдаги вазият ҳамон ўзгармаганди. Демак, сезишмабди.

Жиян шу хаёллар билан 11 январь куни Шерзодга кўнғирок қилиб, Қарши шаҳрига олиб боришини илтимос қилди. Шерзод ҳам ўз навбатида хотамтой миқозини қўлдан чиқармай, унинг айтганини бажарди. Қарши шаҳрида ҳам

Шохжаҳон дўкон айланиб, ўзига нарса харид қилди. Бир миллион беш юз олти миш минг сўмга компьютер сотиб олди. Уйда компьютер пайдо бўлгач, табиийки, Сироҳиддин жияндан уни қаердан олганини сўради. Шохжаҳон отаси совға қилганини айтди ва яна отаси унга машина олиб бермоқчилигини билдирди. Тоғаси бунга "ўзинг биласан" қабилида жавоб қайтарди. Шохжаҳоннинг миясига машина олиш фикри тўсатдан келмаганди.

2014 йил 17 январь. Сироҳиддин Қурбонов зарурат юзасидан Тошкент шаҳрига кетганди. Шохжаҳон уйдагиларнинг кўзини шамғалат қилиб, яна тоғасининг ётоқхонасига кирди. Сандикни қўйналмай очиб, ичидаги 8000 АҚШ доллари ва 2 млн. 919 минг 400 сўмга тенг бўлган 44 минг Россия рубли миқдордаги пулни ўмарди. Отасиникига кетаётганини айтиб, тоғасининг уйини тарқ этди. Такси ёллаб, Тошкент шаҳри томон йўлга тушди. Бу сафар ҳам пойтахтда уни амакивачаси Мақсуд қаршилади. Шохжаҳон Мақсудга машина олиш учун келганини айтди. Унинг машина учун пулни қаердан олганлиги тўғрисидаги саволига бу сафар отаси пул берганлигини, кейин ўзи ҳам ишлаб пул топганлигини айтиб, алдлади. Шохжаҳон Сирғали бозорини узоқ айланди. "Эсперо" русумли машинага харидор бўлиб, уни 6700 АҚШ доллари савдолашди. Бирок, ҳали воёга етмаганлиги, фуқаролик паспорти йўқлиги сабабли, машинани ўз номига ўтказиб бўлмаслигини билиб, бу фикрдан қайтди. Кейин 2100 АҚШ доллари мотороллер сотиб олиб, уни юк машинасида Шахрисабзга жўнатди.

22 январь куни Шохжаҳон юк машинаси ҳайдовчисига 150 минг сўм пул бериб, мо-

тороллерни эски таниши Шерзод Мўминовнинг уйига олиб борди. Тоғасининг уйига боришдан чўчиди. Чунки, тоғаси ўғирликдан хабар топган бўлиши, агар хабар топмаган тақдирда ҳам, тез орада билиб қолишини кўнгли сезиб турарди. Шунинг учун Шерзоддан ўзининг номига меҳмонхонадан жой олиб беришини илтимос қилди. Шерзод бу сафар ҳам унинг илтимосини ерда қолдирмади. Эртасига Шерзод уни Яккабоғ туманига катнайидиган таксилар бекатига олиб бориб қўйди.

Бу вақтда тоғаси Сироҳиддин Қурбонов акасининг қизидан Шохжаҳоннинг қўлида жуда кўп миқдорда пул қўрганлигини эшитиб, кўнгли бир нохушликни сезган эди. Қисқа вақт орасида жиянида рўй берган ўғирлишлар, уйга олиб келинган нарсалар энди уни шубҳага сола бошлади. Шу хаёллар билан сандикни очди. Не кўз билан кўрсинки, йиллаб йиққан пулдан бир чақа ҳам қолмаганди. Тоға шу захотиёқ жиянини излашга тушди.


Шохжаҳон Шерзоднинг кутилмаган кўнғиродиган эсанкираб қолди. Чунки, Шерзод унга тоғаси излаётганини айтганди. Шохжаҳон манзилга ета олмади. Тоғаси қаршида барча айбни бўйнига олишга мажбур бўлди.

Шохжаҳон ушбу қилмишлари учун қонунда белгиланган жазони олди. Аммо воёга етмаган пул ўсиришни жиноят йўлидан қайтариш имкони бор эдимки? Албатта, бор эди. Шохжаҳоннинг юриш-туришига, аввало, у билан бир хонадонда яшайдиганлар бёэътибор бўлишмаганда, қолаверса, мактаб педагогик жамоаси ҳам воёга етмаган ўқувчиларнинг пул тўллаб, базм уюштиришларига, пулни қаердан олаётганликларига қизиққанларида, бир ўсиришнинг ўғирлик қўчасига киришининг олди олинган бўларди. Нега 9-синф ўқувчисининг қўлида бир эмас, иккита қимматбаҳо телефонни қўриб, унинг ичтимойи аховолини билгани ҳолда, қай тариқа, қаердан олганига катталар қизиқмаган? Такси ҳайдовчиси-чи? У нега ўқувчининг қатна пул билан олиш йўлга чиққанидан шубҳа қилмади? Табиийки, ҳеч бир ота-она фарзандини бунча пул билан ёлғиз қўчага ҳам чиқармайди. Шохжаҳон пойтахтга "икки саёҳати" давомида салкам 20 млн. сўм пул билан йўлга чиққанди. Бунинг устига, унинг сарф-харажатлари, "олиҳим-матлиги" афсуски, ҳеч кимни шубҳага солмади. Шохжаҳоннинг бу эътиборсизликдан фойдаланишига ўзлари билан ҳам ҳолда замин яратилди. Лоқайдлик, масъулиятсизлик ва эътиборсизлик жамият учун энг хавфли иллатлардир. Буни хаёт яна бир бор кўрсатди.

Россияга отланган Фозил Ёқубов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кетар чоғи яна хотини Раҳимани ранжитиб чиқиб кетди. Турмуш ўртоғи унинг бошқа аёл билан дон олишиб юрганини билди. Аммо Фозил унинг гапларига парво ҳам қилмайди. Омага нисбатан ҳурмати ҳаминқалар бўлгани учун ҳам икки рўзгорлик унга маъқул қўрилади.

Эрининг қилиқларидан асабийлашавериби, охир-оқибат Раҳима касалга чалиниб қолди. Бир ўзи амаллаб рўзгорини тебратиб ўтирган аёл дори-дармонга пул орттиришда қўйналди. Бу орада эри кўнғирок қилиб қолди. Шунда аёл ноилоҳ

Қути ичидаги модда



унга даволаниши учун пул зарур бўлаётганини айтди.
— Энди ишга кирдим, хали қўлим пул кўрмади, — деди энасони қотириб Фозил. — Сенлар фақат пул сўраш-

Карим ТЕМИРОВ,
Когон шаҳар прокурори ўринбосари

ни биласан. Болалар ётадиган хонага кир. Деворга қурилган шкаф тепасида гургур қути бор. Ичидаги га тегмай, қариндошимиз Ўлмасга олиб бориб берсанг, сенга юз минг сўм беради.

Аёл ҳеч нарсадан хабари йўқ, эри айтганидек қилди. Ўлмас билан кўнғироклашиб, унга гургур қутини етказди. Пулини олиб, даволанишга сарфлади. Фозил кўп ўтмай яна хотинига сим қоқиб, "Айтилган ишни бажардинг-

ми?", — деб сўради.
Ўлмас гиёҳвандлик жинояти содир этаётганлида гумон қилиниб, қузатувда бўлган шахслардан эди. Шунинг учун ҳам тез орада ашёвий далил билан қўлга олинди. Суриштирув жараёнида эса жиноят заҳирининг бир ҳалқаси Ф.Ёқубовга келиб тақалди. Буни қарангки, марихуана гиёҳвандлик моддасини сотиш билан шугулланган Фозил ўз жиноятига норасида гўдақларининг онасини ҳам шерик қилган экан.

Россия Федерациясидан ушлаб келинган Фозил Ёқубов суднинг ҳукмига кўра ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан айбли деб топилди, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.



Нью-Йоркда кучли қор бўрони

Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, 26 январь куни АҚШнинг энг катта мегаполиси бўлган Нью-Йорк шаҳри ҳокимияти шаҳар ҳудудида жамоат транспорти ҳаракатини тўхтатиб туриш бўйича қарор чиқарди. Бунга кўра, ўша куни ҳудудда автобус, трамвай, ҳатто метронинг ҳаракатлашиши ҳам тақиқланди.

Синоптикларнинг маълум қилишича, 26 январдан 27 январга ўтар кечаси шаҳарда кучли қор бўрони бошланган. Ушбу табиат инжиқлиги шаҳардаги жамоат транспорти фаолиятида жуда катта муаммоларга сабаб бўлган. Автобуслар йўлларда юриш қийинлашгани туфайли бекатларга соатлаб кечикиб келиши, метрода эса уйга шошилаётган оломоннинг тикилинч ҳосил қилиши кузатилган.

Шунингдек, АҚШнинг шарқий қирғоғида жойлашган 4 та штатда фавқулодда вазият эълон қилинган. Нью-Йорк, Нью-Жерси, Коннектикут ва Массачусетс штатларида яшовчи аҳолига бўрон тинмагунича уларидан ташқарига чиқмаслик тавсия этилган.



Ҳиндистон миллий байрамини нишонлади


Ҳафтанинг душанба куни Ҳиндистонда "Республика Кунин" байрами муносабати билан кенг миқёсда парад ўтказилди.

Маҳаллий матбуот вакиллари айтишича, ҳатто ёмғир ҳам кўчага чиққан одамларнинг байрамини нишонлашига тўқсинлик қила олмаган. АҚШ президенти Барак Обама фахрий меҳмон сифатида тантаналарда иштирок этган. Таъкидлашларича, Б.Обама ушбу давлатнинг миллий байрамида иштирок этган биринчи АҚШ президенти бўлди. "Республика Кунин" Ҳиндистоннинг учта миллий байрамидан биридир.

Эслатиб ўтамиз, 1950 йилнинг 26 январь куни Ҳиндистон мустақиллиги тўғрисида акт қабул қилинган. Шундан бундан ҳар йили ушбу сана байрам сифатида нишонланади.

Кимошди савдосидаги мактуб

АҚШда бўлиб ўтган кимошди савдосида "Титаник" кемаси ҳалокатидан омон қолган йўловчилардан бирининг мактуби қарийб 12 минг долларга сотилди.



Мактуб учун 11 минг 875 доллар таклиф қилган харидорнинг шахси маълум қилинмаган. 1912 йил май ойида ёзилган мактубнинг муаллифи бой одамлар учун тикиладиган кийимлар дизайнери Люсил Дафф-Гордон бўлган. Бу аёл турмуш ўртоғи билан фожиа вақтида қайиқда қутулиб қолган экан.

Сайлов якунланди

Грецияда муаллатидан аввал бўлиб ўтган парламент сайловида СИРИЗА партияси галаба қозondi.

Мазкур партия фаоллари Евроиттифоққа ва қатъий иқтисодий сиёсат юритилишига қарши бўлган тарафдорларни ўз сафларида бирлаштирган эди.

Ушбу партия сайловда берилган овозларнинг 35,26 фоизини олган бўлиб, парламентда мавжуд бўлган 300 та ўриндан 149 тасини банд этишини билдирмоқда. Мамлакатнинг амалдаги бош вазири Антонис Самараснинг "Янги демократия" партияси 27,91 фоиз овоз тўплади ва бу партияга парламентдан 76 та ўрин берилган. Учинчи ўринда қолган "Олтин учкун" миллий партиясига эса, сайловчиларнинг 6,31 фоизи овози берган.




Амалдаги бош вазир Самарас ғолиб партия етакчиси Алексис Ципрасни сайловдаги галаба билан табриклаган. Ципраснинг таъкидлашича, Афина давлатни қарздорликдан олиб чиқиш масаласида музокара олиб боради ва қарзларни тўлашни вақтинча тўхтатиб туришга ҳаракат қилади.

Авалроқ, сайловлар натижасида СИРИЗА ғолиб бўлса, Германия Грецияни евроҳудуддан чиқаришга ҳаракат қилиши ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлган эди. Аммо кейинчалик Германия бosh канцлери Ангела Меркель мазкур хабарларни рад этиб, мамлакат евроҳудудда қолишини маълум қилган.

«Ford»дан янгилик

"Ford" компанияси автомобилларни масофаларни туриб бошқариш бўйича технология устида ишламоқда. Айни пайтда синовдан ўтказилаётган технология ҳайдовчига ҳар қандай узоқликда автомобилни бошқариш имконини беради. Бунинг учун тўртинчи авлод тармоғи зарур, холос.



"Ford" тадқиқотлар ва технологиялар маркази "Sudipto Aich" дастурий таъминотини синовдан муваффақиятли ўтказди. 2400 км. узоқликдаги автомобил рул ва педаллардан иборат оддий ўйин манипулятори ёрдамида бошқарилди.


Албатта, ушбу технология машинани бутунлай бошқариш ўрнини боса олмайди. Бирок мазкур қурилма машиналарни автомобиллар турар жойларга киритиб қўйиш ёки у ердан чиқариб бериш каби функцияларни бажаришда қулайликлар яратади.

Етмиш ёшида эгизак кўрган

Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида истиқомат қилувчи кекса жуфтлик антиқа рекорд ўрнатгани билан машҳур бўлди.

Улар 2008 йилда эгиз фарзанд — ўғил ва қиз кўришган экан. Уша пайтда аёл 70 ёшда бўлган. Орандан тўрт йил ўтиб, эгизаклардан бири, қизалоқ вафот этган. Ўғил фарзанд эса айни пайтда 80 яшар отаси ва 76 яшар онаси қарамоғида.

Бундан ташқари, жуфтликнинг икки нафар ёши катта қизи ҳамда беш нафар набираси бор.



Ҳарбий самолёт кулаб тушди



Греция Мудофаа вазирлигининг хабар беришича, мамлакатга тегишли бўлган ҳарбий самолётнинг кулаши оқибатида ўн киши ҳалок бўлган. Яна 13 нафар киши эса жиддий жароҳатланган. Самолёт 26 январь куни Испаниядаги НАТОнинг машғулотлар базасига кулаб тушган.

Суднинг антиқа қарори

Франция суди янги туғилган чақалоқ қизларга "Fraise" (қулунай) ва "Нутелла" деб исм берилишини ман қилди. Бу ҳақда мамлакат оммавий ахборот воситалари хабар берди.



Валансьен шаҳри судьяси ФХДЭ ходими ташаббуси билан иккита алоҳида иш бўйича шундай қарор қабул қилган. Бунга ФХДЭ ходими ушбу исмларни "ҳақоратомуз" деб ҳисоблаши сабаб бўлган. Чақалоқ қизларнинг исмларини кейинчалик тенгдошлари ёки бошқалар мазаҳ қилмасликлари учун уларни ўзгартириш талаб қилинди. Шаҳар ФХДЭси қизларнинг ота-оналарига "Нутелла" исмини "Элла", "Фрайз" исмини "Фрезина" билан ўзгартиришни тавсия қилмоқда.

Чиройли мижоз учун бепул овқат

Хитойнинг Чжэнчжоу шаҳридаги "Чежу ороли" ресторанида "Мижоз овқат учун ҳақини ўз чиройи билан тўлайди", деган янги реклама ишга туширилди. Мижозлар столга бориб ўтиргунларича "қиёфаларини" суратга олувчи қурилма ресторанига кираверишда ўрнатилган. Олинган суратларга ресторан билан ҳамкорлик қиладиган пластик жарроҳ-мутахассислар гуруҳи баҳо беришади.



Ҳар куни бу ерга кирувчи мижозлардан гўзаллик стандартларига жавоб берувчи 50 нафари бепул овқатланиш имкониятига эга бўлишади.

Чжэнчжоу маҳаллий ҳокимият вакиллари ресторанининг бу госяига қарши чиқмади. Улар ушбу тadbир ҳокимият идоралари билан келишилмаганлигини билдиришиб, "Чежу ороли"нинг чиройли одамларга бепул овқат тақдим қилишга ваъда берувчи реклама баннерини олиб ташлашни буюришти.

2014 йилда Барселона шаҳрида ҳам мижозларнинг юзларини суратга олувчи ҳажвий клуб дунё ОАВларининг эътиборини ўзига тортган эди. У ерда Хитой ресторанидан фарқли ўларок, клубнинг эгалари мижозларга баҳо бериши техник воситаларга топшириб қўйган эдилар. Махсус техника воситаси мижозларни клубдан чиқиш пайтида мустақил баҳолаб, сўнгра улар билан ҳисоб-китобни амалга оширган.



Шоирага бағишланган сайт

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва шоира ижодига бағишланган махсус веб-сайтни такомиллаштириш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

да. Жумладан, шоиранинг "Сайланма"си, "Зулфия замондошлари хотирасида" китоби ва бошқа асарлари нашрга тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳам қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда юбилейни юқори савияда ўтказиш бўйича муайян лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жойларда уюштирилган маънавий-маърифий тадбирларга аҳоли ва ёшлар кенг жалб этилмоқда.

Шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган "Zulfiyaxonim.uz" сайтини такомиллаштириш юзасидан ҳам изчил ишлар амалга ошириляётган. Мазкур сайтда шоиранинг ҳаёт ва ижод йўли, унинг сиймоси акс этган сурат ва ҳайкалтарошлик намуналари, фотоальбомлар,

аудио ва видеофайллар, рассомларнинг Зулфия китобларига ишлаган иллюстрациялари, қардош халқлар адибларининг шоирага бағишланган асарлари, мустақиллик даврида Президентимиз раҳнамолигида истеъдодли ижодкорга кўрсатилган юксак эҳтиром, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг фаолияти ифода этилган маълумотларни ўқувчиларга тақдим этиш режалаштирилган.

Йиғилишда юз йиллик юбилейга тайёргарлик кўриш, шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи сайтни яратишда турли ташкилотлар ҳамкорлигида олиб борилаятган ишларни янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқарувининг 2014 йил фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Маҳалла – жамият таянчи

Унда сўзга чиққанлар маҳалла институти томонидан ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу шуурини турли гоёвий таҳдидлардан ҳимоялаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда кенг қўлдан чора-тадбирлар ҳаётга изчил таъбиқ этилаётганини таъкидлашди.

Хусусан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди тизимида "Соғлом бола йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда оила институти мустаҳкамлаш, тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, ёшларда юксак маънавий фазилатларни, жумладан, катталарга ҳурмат, ғамхўрлик, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли бўлиш гоёларини тарғиб этиш юзасидан кўплаб лойиҳалар, тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-машгулотлар ўтказилди.

Йиғилишда таъкидланишича, маҳаллаларда тўпланган илгор тажрибаларни оммалаштириш бўйича "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари", "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси", "Маҳалла тарихини ўрганаман" каби анъанавий кўрик-танловлар, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида "Футболимиз келажакда", "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Отам, онам ва мен — спортчи оила" спорт мусобақалари мунтазам ўтказилаётган.

Буларнинг барчаси жамиятимизда маҳалла институтининг роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат бағрикенглик туйғуларини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг халқимизнинг анъана ва қадриятларига эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда ўтган йили эришилган натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Маҳаллалар фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ўз муҳбиримиз

Келажак режалари белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мактабдан ташқари техник ва гуманитар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув муассасаларининг замонавий моддий-техник базасини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшларимизнинг техник ва аниқ фанларни, табиатшунослик ва ўлкашунослик асосларини

ни кўшимча тарзда ўрганиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида 2010 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Маълумотларга кўра, аниқ вақтида юртимизда икки юздан ортиқ "Баркамол авлод" болалар маркази фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, ушбу марказларнинг фаолияти болалар ижодиётини янада ривожлантириш, ўқувчиларнинг турли фанларга қизиқишини кучайтириш, уларнинг қобилият ва истеъдодини ўз вақтида аниқлаш ва кашф этиш, мактабдан ташқари вақтини унумли ташкил этиш, турли касб танлашга оид билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этаётган.

Семинарда "Баркамол авлод" болалар марказларининг 2015 йилдаги фаолиятига оид режалар белгилаб олинди.

Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама * Реклама



2015 йил 22 январда

MOODY'S

халқаро рейтинг агентлиги

"АСАКА" Давлат-акциядорлик тижорат банкининг рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи "БАРҚАРОР"

Хизматлар лицензияланган



Лукас Силванинг тақдимот маросими ўтказилди

Яқиндагина Бразилиянинг "Крузейро" жамоасидан сотиб олинган Лукас Силва расман Мадрид клуби футболчисига айланди. 21 ёшли бразилиялик футболчи янги клубда 16-рақам остидан ўйнайди.

"Мен бахтлиман. Менинг орзуим ушалди. Мен энди футболга кириб келаётганимда "Реал"га мухлислик қилар эдим. Бу жаҳоннинг энг яхши клуби", дейди Силва.

"Кироллик клуби" Лукас Силва трансфери учун 14 миллион евро тўлаган. "Крузейро" клуби трансфер қийматининг 30 фоизини олади, холос.

Таъкидлаб ўтайтиш, бразилиялик футболчи "Реал"га трансфери қийматидан ўн фоизни олишдан бош тортиб ва 2020 йилгача шартнома имзолашга рози бўлди.




«Барселона»да янги директор

"Барселона" жамоаси бош мураббийининг собиқ ёрдамчиси Жорди Роура "каталонияликлар"нинг барча фарм-клуб ҳамма ёшлар жамоалари директори этиб тайинланди. Бу ҳақда клуб расмий сайти хабар қилмоқда.

Эслатиб ўтайтиш, Жорди Роура жамоанинг собиқ мураббийи Тито Виланова бетоблиги вақтларида "Барселона" клубининг вақтинча бош мураббийи лавозимида иш олиб борган.

Айтиш жоизки, мазкур қарор клуб директорлар кенгашида қабул қилинди.



WBC президенти оламшумул жанг бўлишига ишонмоқда

Жаҳоннинг энг кучли икки боксчиси — америкалик Флойд Мейвезер ва филиппинлик Мэнни Пакьяо ўртасидаги жангни анчадан бери барча бокс мухлислари орзиқиб кутишмоқда.

Бутун жаҳон бокс уюшмаси WBC президенти Маурисио Сулаймон ҳозирда жаҳоннинг энг кучли боксчилари — Флойд Мейвезер ва Мэнни Пакьяо ўртасида оламшумул жанг амалга ошишига ишонмоқда.

"Жанг бўлиши шарт. Бу тўқнашувда пул ҳам, мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам етарли бўлади.

...Флойд — бирйўла икки вазн чемпиони, энгилмаган. У бугунги кунда бокснинг юзи бўлиб турибди. Жанг амалга оширилиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз. Шартномага имзо чекилса бўлгани, шундагина жанг ҳақида ўйлай бошлаймиз", дейди WBC президенти.

Иван Нагаев ижарага берилди

Тошкентнинг "Локомотив" клуби ҳужумчиси Иван Нагаев Кувайтнинг "Ал-Қодисия" клубига ижарага берилди.

Осиё чемпионлар лигасининг плей-офф босқичида қатнашаётган ва гуруҳ босқичига йўл олишни мақсад қилган, ўз чемпионатида совринли ўринлар учун курашаётган



Кувайт мамлакати клуби ҳужум чизигини кучайтиришга эҳтиёж сезаётгани боис И.Нагаев борасида таклиф билан чиққан. "Локомотив" клуби 2015 йилнинг июнига қадар ўз ҳужумчисини ижара асосида "Ал-Қодисия"га беришга розилик берди.

Айни вақтда "Ал-Қодисия" клуби Кувайт чемпионатида ўтказилган 12 турдан кейин 4-ўринни эгаллаб турибди.

Эслатиб ўтайтиш, "Ал-Қодисия" жамоаси Осиё чемпионлар лигаси плей-офф босқичи доирасида Иорданиянинг "Ал-Вихдат" клубига қарши майдонга тушади.

Куадрадо «Челси»га ўтишга рози бўлди

"Италиянинг "Фиорентина" жамоаси ярим ҳимоячиси Хуан Куадрадо Англиянинг "Челси" клубига ўтишга розилик берди", дея хабар бермоқда Sky Sports телеканали.



Лондон клуби 26 ёшли кolumbiaлик футболчи учун 26,8 миллион фунт стерлингдан воз кечишга тайёр. Хабар қилинишича, ақин орада футболчининг агенти "Челси" клуби раҳбарияти билан амалга ошиши мумкин бўлган трансфер борасида музокаралар ўтказди.

Эслатиб ўтайтиш, жорий мавсумда Куадрадо "А" сериянинг 16 та ўйинида майдонга тушиб, 4 та гол ҳамда 4 та голли узатмага муаллифлик қилган.

Яна бир футболчимиз Эронга йўл олмоқда


Ўзбекистонлик яна бир футболчи ўз фаолиятини Эрон чемпионатида давом эттириши мумкин. Ўтган мавсумни Қозғистоннинг "Шахтёр" клубида ўтказган Шавкат Саломов "Персеполис" жамоасига ўтишга яқин турибди.

Футболчи бир неча кун давомида форслар билан музокара олиб борди ва томонлар ўзаро келишга олишса, Шавкат клуб аъзосига айланади. Ушбу жамоа ОЧЛ-2015 иштирокчиси ҳисобланади. "Бунёдкор" клуби саралаш босқичидан ўтса, айнан "Персеполис" жамоаси ўрин олган "А" гуруҳидан жой олади.

Эслатиб ўтайтиш, шу кунга қадар Баҳодир Насимов ("Падидах"), Руслан Мелзиддинов ("Нафт Масжид Сулаймон"), Фозил Мусаев ("Сепохон") ва Ойбек Қўличев ("Пайкон")лар Эрон чемпионатида йўл олишган эди.



Марчелло Липпи «Милан»га келиши мумкин



Таниқли мутахассис Марчелло Липпи "Милан" клубининг техник директори лавозимини эгаллаши мумкин.

66 ёшли мутахассис ўтган йилнинг ноябрь ойида мураббийлик фаолиятини якунлаган эди. Липпининг охириги иш жойи Хитойнинг

"Гуанчжоу" клуби бўлган.

Хитой клуби 2013 йили италиялик мутахассис раҳбарлигида Хитой чемпионлиги ва Осиё чемпионлар лигаси голиблигини қўлга киритган.



Шартнома бекор қилинди

Италиялик ҳужумчи Антонио Кассано ва "Парма" клуби ўзаро келишувга қўра шартномани бекор қилишди.

Футболчи сўнгги 6 ой давомида маош олмагани учун судга муножаат қилган. Антонио Кассано мазкур клубга 2013 йилнинг июлида кўчиб ўтган. Унинг шартномаси 2016 йил эъзид тугаши керак эди.

"Парма" клуби билан шартномасини бекор қилган Антонио Кассано ўзига қарши виждонан иш тугилмаганини маълум қилди.

"Ўзимни яхши ҳис қиляпман. Мен шартномани бекор қилишга қарор қилдим, чунки клуб мени алдаб келди. Мен чарчадим ва шунчаки кетишни истадим. Менинг мухлислар билан ҳам, жамоадорларим билан ҳам, клуб ходимлари билан ҳам муаммоим йўқ", — дейди Кассано.

Ҳозирча Кассонинг қайси клубга ўтиши номаълум. Давоғарлар орасида ҳужумчи олдин ҳам ўйнаган "Сампдория" ва "Интер" каби клублар ҳам бор.

Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютота оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти жамоаси СВОЖДЛҚК департаменти бошлиғи вази фасини бажарувчи Баҳодир Зиялевуа акаси Хусанбой ЗИЛЯЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq

юрidik gazeta

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir Jur'atovich MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85.

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat material.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma S-1987.47286 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: O'.DEHONOV

Sahifalovchi: S.BABAJOVONOV

Navbatchi: O'.DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada nashriyot: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O'188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004